

*Одилжон Салоҳиддинов*

# ҲАЁТНИНГ ЎЗИ САБОҚ

*Андижон 2012 й.*

ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

ҲАЁТНИНГ  
ЎЗИ САБОҚ

Андижон, 2012 й.

Такризчи:

Андижон Давлат тиббиёт  
институтининг Й-УАШТ  
кафедраси мудири, тиббиёт  
фандари доктори, профессор  
З.С.Салоҳиддинов

*Ушибу рисолада Андижон Даслат тиббиёт институтининг  
ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори,  
тиббиёт фандари доктори Одилжон Салоҳиддинов ҳаёти ва  
фаолияти қисқа ҳолда баён этилган*

Андижон, 2012 й



**ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

## Профессор Одилжон Салохиддинов фаолиятидаги муҳим саналар

1. 1959 йили ўрта мактабни олтин медалга битириб, Андижон Давлат тибиёт институти талабаси бўлди.
2. 1968 йили педиатрия факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси асистенти лавозимига ўтди.
3. 1975 йили Москвадаги кардиология институтида номзодлик диссертациясини муддатидан олдин ҳимоя қилди.
4. 1976 йили доцент лавозимига эга бўлди.
5. 1976 -1982 йиллари кафедрада ишлаш билан бир қаторда, институтнинг интернатура бўлимини бошқарди.
- 6 1982-1987 йиллари даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.
- 7 1980 – 1987 йиллари кафедрада ишлаш билан бирга даволаш факультетининг партия ташкилоти котиби вазифасини бажарди.
8. 1987-1988 йиллари докторантурада таҳсил олди.
9. 1989 йили Москва шахрида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.
10. 1991 йили профессор унвонига сазовор бўлди.
11. 1990-1997 йиллари педиатрия факультетининг ички касалликлар кафедраси мудири лавозимида ишлади.
12. 1997-2007 йиллари институтнинг ички назорат инспекцияси бошлиги, проректор ва ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди.
- 13.1998-2005 йиллари кафедрада ишлаш билан бир қаторда , институтнинг “Тиббиёт гулшани” газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлади
14. 2000-2005 йиллари институтнинг ихтисослашган илмий кенгаши котиби вазифасини бажарди.
15. 2000 йилдан бўён даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозими билан бирга кардиолог – эксперт вазифасини ҳам бажармоқда.

“Үринли, аҳлоқли ваadolатли яшамай туриб, яхши умр кечириб бўлмайди ва аксинча, яхши умр кечирмай туриб, ўринли, аҳлоқли ваadolатли яшаб бўлмайди”

Юон файласуфи Эпикур

### Ҳаётнинг ўзи сабоқ

Донишмандлар умрни оқар дарёга қиёслашиб, ундан кимдир сузуб, кимдир оқиб ва яна кимлардир чўкиб ўтишади, дейишган.

Дарҳақиқат, ҳаётга теран кўз билан назар солсангиз, инсонни дунёга келиб, яшаб, умр ўтказишидан мақсади фақат ўз манфаати йўлида ҳаракат қилишлигигина эмас, балки **чин инсон номини олишилик** учун шу номга яраша ҳаёт кечириб, фаолият кўрсатиши, фарзандларига гўзал тарбия бериши, инсонларни оғирини енгил қилиши, (илму - хунар ўргатиши, имкон бўлса моддий, маънавий ёрдам кўрсатиши ёки ёмонликдан қайтариб, тўғри йўл кўрсатиши ва х.к.), уларга хушмуомалада бўлиши, қалбларига сурурни баҳш этиши керак дегувчи ва шуларга амал қилувчилар билан бир қаторда, бир текис, равон ҳаёт ўз йўналишини бир зумдаёқ ўзгартириб юбориши мумкинлигини **хисобга олмаганликлари** холда, **омонат ҳаётни** ўйинчоқ билиб, кўп нарсаларни бой берганларни, ютуклар, кўлга киритилган бойликлар олдида кибрга берилганларни, фарзандларини талтайтириб ўстириб, эл олдида юзлари шивит бўлиб, қадди букилганларни, ўз манфаатини жамоа манфаатидан юқори қўйганларни, сўзи бошқаю тили бошқаларни, меҳр билан қаҳр орасини бир кадам кўяётганларни ҳам кузатар экансиз. Ҳаёт чархпалаги ўз йўналиши бўйлаб айланаверар, йиллар инсон тақдиридаги битикларни битиб боравераркан. “Ҳаётнинг ўзи сабоқ” деб шунга айтсалар керакда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунича, бир кадам ҳам олдинга силжий олмайди: бу саволлардан биринчиси - умрини нима билан ўтказгани: иккинчиси – ёшлиқ даврида нима билан машғул

бўлгани; учинчиси – мол дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва уни нималарга сарф қилгани; тўртинчиси – ўрганган илмига амал қилган ёки қилмаганлиги сўралади,” деган бўлса, Мавлоно Жалолиддин Румий: “Дунё – Тангрининг даласи”. Одамзодни ўша даладаги турли гиёҳларга қиёсласак, унда бойчечагу-лоладан тортиб, сассиқ алаф ва захри қотилгача мавжуд бўлади. Қай бири не бўй таратади – бу, энди Аллоҳ синовидан қандай ўтаётганлигига боғлик бўлади” деган экан.

Инсон ёши ўтиб борган сари ўтмишини эслаб, ўтган умрининг воеа ва ходисалари ҳақида теран фикр юритиб, ютуқ ва хатолардан керакли сабоқлар чиқаришга, ибрат олишга майл кўргазар экан, ортидан келаётган авлод- бола-чақаси, якин кишилари, дилдошларини турмушнинг турли “мушт” ларидан огоҳ этишга, ўзи билган ҳақиқатларини англатишга тараффудланиб қоларкан.

Турмушлардаги хатолар қанча тез тузатилса, ўтмиш маданият учун ҳам, келгуси тараккиёт учун ҳам шунчалик катта савоб иш қилинган бўлинаркан.

Худди шу ниятда қўлга қалам олиб, ўтган умрим мазмунига назар ташлаб, қисқа бўлсада, уларни оқка кўчиришга жазм қилдим.

Мен 1942 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманини Тўрткўл кишилогида таваллуд топдим.

Отам пахта пунктида бош хисобчи бўлиб ишлар эди. У каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ширин муомалали, хушчақчақ инсон бўлган. Отам ҳаёти давомида халоллик ва покликка амал қилиб яшади. У биз- фарзандларига қарата “Мен халол яшаб кам бўлганим йўқ. Юзим барчани олдида ёруг, доимо инсонлар кўзига тик қарай оламан. Сизлардан ҳам шуни қаттиқ талаб қиласман” дер эдилар.

Отам нафақага чиққач, 20 йилдан зиёд маҳалла оқсоқоли бўлди. Тўй - маъракаларда бош-қош ҳам шу киши эди, ҳеч кимга қаттиқ гапирмасди, каттаю-кичикка сизлаб гапиради. Кимдир ёрдам ёки маслаҳат сўраб келса, ташвишларини енгиллаштиришга шошиларди. Сўзлари майин, киши кўнглига малҳам эди. У киши билан бироз сухбатлашган одамнинг дарди енгиллашарди. Отамни бирон нарсадан ёки бирон кимсадан нолиб гапирганини эшифтмаганмиз. Маҳалла аҳли ўртасида

обрўси бенихоя катта бўлган. Унинг юриш-туришлари, кишилар билан муомаласи, бу одамни қандай инсон эканлигини хеч бир таърифсиз, шундоккина кўрсатиб турарди.

Онам шахримиздаги обрў-эътиборли, билимли инсон қизи бўлган. Куръон-хадисларни кўп мутолаа қиласарди. Худди шунингдек, отам ҳам куръон-хадисларни кўп ўқир эдилар.

Онам 9 та фарзанд кўрган. Улардан 7 таси ёшлик пайтларидаёқ вафот этган эканлар. Эиг тўнгичи акам ва ўртанчаси мен тирик қолган эканмиз. Бу ҳол табиийки онамиз қаддини бўккан.

Онам ўта оқила, меҳмондўст аёл бўлган. Барча қариндош-уругларимиз уни катта ҳурмат қилишарди, кўп ҳолларда у билан маслаҳатлашиб иш кўришарди.

Отам ва онам бизларга қаратса: “Доимо шукронга айтиб яашашга интилинглар, сабр қилиб, нафсни тия билиш керак. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш қалитидир. Кимки буларга кодир экан, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади” дер эдилар. Биз (акам ва мен) бу насиҳатта амал қилишга харакат қиласардик.

Мен 1949 йили биринчи синфга ўқишга кирдим, 2 ой ўқиганимдан сўнг отамни Избоскан туманидан Олтинкўл туманидаги пахта пунктига бош хисобчи лавозимига ўтказишди. Оиламиз Олтинкўлга кўчди. У ерда биринчи синфда ўқишни давом эттирудим. Ўқиш тугашига 4 ой қолганда оиламиз Андижон шаҳридаги уйимизга кўчди. Мен биринчи синфи шаҳардаги 29-ўрта мактабда тутатдим. 6 –синфгача шу мактабда ўқидим, сўнг бизни шаҳарда янги қурилган 15-ўрта мактабга кўчиришди.

Биз мактабда ўқиган чоғларимизда дарсга 5-6 бола бирга тайёрланардик, бир-бирларимизни уйларимизда ўйнардик ва хатто овқатланардик ҳам, меҳр-оқибат кучли эди.

Ўша пайтлари қиши ойларида ҳар бир хонадонда “сандал” бўларди. Кўчада ўйнаб, совукда коттак, ўзимизни сандалга урадрек.

Овқатланиш чоғларида ва “сандал” атрофига ҳар биримизнинг бобо-момоларимиз, ота-оналаримиз савоб нима, гуноҳ нима, увол нима, карғиш нима, дуо нима кабилар бобидан кўп гапирадилар. Мана бу меҳр, мана бу сабр, мана бу шукронা,

мана бу бурч деб бизга буларни мисоллар билан түшинтирадилар. Улар шу каби ўгит ва насиҳатларни такрорлашдан хеч эринмасдилар, бири бўлмаса, бошкаси, кулоқга қўйилиб қолар, деб ўласалар керакда. Ёшу-катта уларни зўр эътибор ила тинглардик ва уларга амал қилишга интилардик.

Шу миллий удумларимиз асносида улар бизларга ҳалоллик, ростгўйлик, виждон, иймон, эзгулик, эътиқод, катталарга хурмат каби олийжаноб хислатларини сингдириб боришган бўлсалар керак.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ўша даврда ҳаммамиз оналаримизнинг алласини эшитиб катта бўлганмиз.

Алла....Дунёдаги энг соф, энг оҳангдор, энг туйгули, қалб нури билан куйланадиган оналар қўшиги. Аллада илтижо, сехр, қалб садосио, Ватан навоси , бу дунёдаги жамики эзгу тилаклар мужассам. Аллани она бутун борлиги билан чин юракдан хиргоя килади. Бола кўнгли она меҳрини, қалби тафтини ҳамиша қўмсаб туради. Алла тинглаб, улғайган бола ҳақиқий юрт фидойиси, Ватан пособни бўлиб етишади.

Афсуслар бўлсинким, аждодларимиз камолатида ўзига хос тарбия мактаби бўлган, руҳий озуқа, куч – кудрат ато этиб келган аллаларимиз кейинги йиллар мобайнида хонадонларимизда кам янграйдиган бўлиб қолди.

Бизнинг миллий удум ва қадриятларимиз авлодларимизнинг армонлари, орзулари, нозик тъби ва самимиятидан, кенг феъли ва саҳоватидан бунёд бўлган, дейишади.

Агар биз ўзимизнинг доно миллий удумларимиз ва қадриятларимизни эсга олиб иш, кўрсак, бугунги дунёнинг алғов-далғов тўронларидан ўз кемамизни бешикаст олиб ўтамиз, хар бир хонадонда хар кун, хар соат турфа шаклдаги фалокатлар, ходисалардан ўзимизни асрраб қолган бўламиз.

Ёзги тътил пайтлари ота-оналаримиз яна бизни бекор кўймай, кимгadir шогирдликка бериб, хунар ўрганишга кизиктирадилар.

Мен мактабни 1959 йили олтин медалга битирдим ва шу йили Андикон Давлат тиббиёт институтига ўқишига кирдим. Унда даволаш факультети бор эди холос. Институтимиз 1-

қаватли бинога жойлашганди. Уни моддий техник базаси хали қониқарли эмас эди. Ҳар бир гурухга (20-25 талаба) бир фандан факат биттә дарслык гурух сардорига бериларди. Ҳар кунги дарсдан сүнг гурухдаги барча талабалар институт майдонида түпланардик, уйға берилган вазифани гурух сардори бир-икки марта ўқиб берарди. Биз уни эътибор билан тинглашга ҳаракат килардик, бошқа илож йўқ эди.

Бундан ташкари, клиник кафедраларимиз институт биносидан анча узокларда жойлашган эди. Йўллар асфальт эмас, таксиликар, автобуслар кам, факат извошлиар юради. Шу боис биз узоқ кафедраларга тез юриб ёки югуриб бориб, дарсга кечикмасликка ҳаракат килардик, айrim холларда тушлик ҳам қилолмасдик. Устозларимиз талаабчан, қаттиққўл, ўта интизомли эдилар. Кеч қолишга йўл кўймасдилар, лекин меҳрибон эдилар. Улар бизга нафакат мутахассисликка оид билим беригина қолмай, одамийлик илмидан ҳам сабок берардилар.

Яхши билим олиш учун кўпчилик талаабалар кафедраларда ташкил этилган тўғаракларга ҳам катнар эдик. Мен З-курсдан бошлаб ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасидаги тўғаракка катнашганман. У ерда бизга устозлардан профессор Б.И.Сойбель доцент Е.И.Константиновлар сабок берганлар ва бу фанга бизни қизиктира олганлар.

Шу ўринда бир холатни эслашни жоиз деб билдим. 1963 йили 4- курсни тамомлаганимдан сўнг, ёзги ишлаб чиқариш амалиётини Избоскан туман шифохонасида ўтадиган бўлдим. Ўша пайтлари туманларда шифокорлар етишмас эди. Амалиёт ўтаётганимнинг учинчи куни мени бош врач чакириб: “Туманга қарашли совхоз худудида жойлашган қишлоқ врачлик пункти шифокори касал бўлиб қолганлиги учун у берк турибди. У ердаги ахоли касал бўлса, туман поликлиникасига келишга мажбур бўляяпти. Шунинг учун сиз 14<sup>00</sup> гача амалиётни ўтиб, сўнг ўша пунктга бориб, уерга мурожаат этган bemорларни кўриб турсангиз”, деди.

Биз 4- курсда ички касалликлар, жарроҳлик, педиатрия фанларини ўтган эдик холос. Тор мутахассислардан хали дарс ўтилмаган эди. Улар 5- курс дастурида эди. Қишлоқ врачлик пунктига бу касалликлардаги bemорлар ҳам мурожаат килардилар. “Мен талабаманку, кўлимдан келармикан?” дедим.

У :“ Шерикларингиздан бирини танлаб олинг, иккалантлар бир амаллаб ишлайсизлар. Тушунмаган беморларни туман поликлиникасига жүннатасизлар”, деди.

Мен бир курдошим билан кундузги амалиётдан сүнг, ўша пунктта бориб, хар куни беморларни қабул қила- бошладик. Бизни кўлимизда ички касалликлар, жаррохлик, педиатриядан дарслик, дориларга рецепт ёзиш билдиригичи доимо турди. Мурожаат қилган беморларни иккаламиз обдон кўриб, сүнг бошка хонада келишиб ташхис кўйиб, кейин беморларга муолажаларни тавсия этардик ва беморга З кундан сүнг бизга албатта кайта мурожаат этишларини тайинлардик. Шундай килиб ишни давом эттиравердик, беморларнинг кўпчилигига даво натижалари ижобий кечди. Айрим тушунмаган нарсаларни кундузги амалиёт пайтида бошка шифокорлардан ўрганабошладик.

Бизга тор мутахассисликдан шикоят қилган беморларни туман поликлиникасига жўннатдик. Уердан кайтаётгандаридан бизни олдимизга кириб ўтишларини илтимос қилдик. Бу мутахассисларни кўйган ташхислари ва муолажаларини ўрганабошладик. Яна офтальмология, отоларингология фанларидан дарслклар топиб, уларни ҳам ўргана бошладик. Кейинчалик бундай беморларни ҳам ўзимиз даволашга киришдик ва кўпинча ижобий натижалар олдик.

Бу 2 – ойлик амалиёт ва мустакил ишлаганимиз бизни кейинги фаолиятимизда катта сабоқ бўлди.

Шуерда талабалик йилларимда барчага сабоқ бўладиган яна бир воқеани ёзишга ҳам жазм қилдим.

1964 йили 5-курсдан сүнг уч хафталик амалиётни Наманган вилоятининг Янгиқўргон туманини Бирлашган қишлоғига жойлашган 30 ўринли қишлоқ шифохонасида ўтказдим. Шифохона қишлоқ марказидан 1 км узокда, баландлик жойда, шифохона учун мўлжалланмаган, лекин таъмирдан чиқкан бинода жойлашган экан. У ерда электр чироклари тез – тез ўчганилиги сабабли ҳамма палаталарда “жинчирок” деб аталмиш чироклар бор эди. Бу ерда битта шифокор ишлар экан, у ҳам бўлса бош шифокор экан. Шифохона ёнида битта магазин бор экан холос. Бу қишлоқда емакхона (столовое), нонвойхона умуман йўқ экан.

Мени бош врач шифохона ичидаги амбулатор беморларни кабул қиласынан, күшеткасы бор хонага жойлаштириди. Хар куни эрталаб соат 5<sup>00</sup> ларда уйгонардим. Соат 6<sup>00</sup> лардан беморлар қабулга келардилар. Менга уларни күриб туриши топширилди. Кунда эрталаб 5-6 та беморни күраман. Сүнг шифохонадаги беморларни шифокор билан бирга күриб, барча касаллик тарихларини мен түлдирадим. Кечкүрун 1-та фельдшер навбатчиликда турарди. Унга хам мен ёрдам берардим. Бош врач мени қаерда овқатланишим билан қизикмади. Мен хафта давомида хар куни эрталаб, тушликда ва кечкүрун магазиндан печене олиб, шу билан овқатланиб юрдим. Хафта охирида Андижонга, уйимизга келиб, хафтага етадиган ион ёптириб кетдим. Уч хафта шу тариқа ўтди. Мен бунга чидадим. Шунда мен раҳбар инсон кўл остидагиларни турмуш шароити билан қизикишса, кўп савоб иш бўлишилигини яна бир бор англадим.

Институтни 1965 йили тамомладим ва ишга Андижон вилоятининг Избоскан туман шифохонасига жўнатилдим. Эрталаб амбулаторияда терапевт мутахассислиги бўйича беморларни кабул килардим ва тушликдан сўнг туман шифохонасининг ички касалликлар бўлимидаги 2 та палатадаги беморларни даволардим.

Иш бошлаганимни иккинчи куни эрталаб шифохонага 16-ёшли ўғил болани келтиришди. Уни ток урган экан. Шифохонадага барча врачлар тўпланиб турган эдик. Барчамиз унга ёрдам беришга шошилдик. Лекин бола ўлган экан. Бу хақда милицияга хабар бериш учун хонага кириб кетсак, болани кариндошлари уни уйларига олиб кетишибди.

Соат 17<sup>00</sup> ларда уйга кетаётсам, шифохона ташқарисида тез ёрдам фельдшери мени олдимга югуриб келиб: “Қизил кўприк, деган жойдан чакириқ тушди, бир болани ток урибди, уни кўриб келишимиз керак” деди.

У пайтлари тез ёрдамда алоҳида врач бўлмасди. Чакириқ кайси мутахассисликка оид бўлса, шу бўлимдан биронта врач боришига маъжбур эди. Айтилган жойга етиб бордик. Уерда тумонат одам. Ҳамма аёллар йиглашайти. Шунда бир одам: “Ана, доктор келди, болага ёрдам беради, тинчланинглар” деб йиглаётганиларни тинчлантириди. Улар мендан нажот кутишарди. Хоналонга кириб, ток урган болани кўрсан, эрталаб шифохонада

күрган бола экан. Мен уердагиларга уни эрталаб күрганимизни айтиб, нима сабабдан уни тирик деяпсизлар, у ўлганку, дедим. Улар у тирик, бўйин томири бир-икки марта урди, дейишди.

Энди уни ўлган ёки ўлмаганлигини кайд қилиш керак эди. Уерда тўпланганларга болани вафот этганилиги белгиларини бирма-бир кўрсатиб бердим. Шундагина улар болани ўлганига тўла ишонч хосил қилишди.

Мен болани ўлганини айтганимда, хонадонда кулоқни ларзага келтирувчи йиги яна кўтарилди. Худди шунда ҳамма менга нафрат кўзи билан қараёттандай туюлди.

Шу вақт ёнимга вафот эттан боланинг акаси келиб, онасини хушдан кетганинги, уни кўриб кўйишимни илтимос қилди. Мен уни кўриб, шифохонага олиб кетдим. Кеч соат 21<sup>00</sup> ларгача бу аёлга муолажалар килдик. Эрта тонгда аёл олдига кирсам, у чой ичиб ўтирган экан. У менга: “Рахмат, яхши бўлиб қолдим,” деб миннатдорчилик билдириди. Мен ундан ток урган боласи ҳакида сўрадим. У: “Болам тирик экан, ҳайрият”, деб жавоб берди. Мен муздек котиб қолим. Энди туманда врачлар ўлик, тирикни ажратсаолмас эканлар, деган гап таркалмайдими?.

Врачлар хонасида асабий ҳолда ўтирам, бирин-кетин бирга ишлайдиган бўлимимиз врачлари келабошлишди. Улар бу хабарни эшитишиб, яна вахима килабошлидилар.

Шу пайт олдимга ток урган болани акаси кириб келиб, менга онасини яхши бўлиб қолгани учун миннатдорчилик билдириди. Мен унга, укангиз тирик эканми?, деб савол бердим. У: “Йўқ у ўлган, онамни тинчлантириш учун унга уни тирик деб айтдим. Хозир эрталаб уни дафн этгани қабристонга олиб кетишиди. Урф- одатларимизга кўра ток урган, от тепган каби холатларда вафот этганинги тирилиб қолар деган умидда, бир – икки кун саклар эканлар” деб жавоб берди.

Менинг мустакил шифокорлик фаолиятим мана шундай хаяжонли, ташвишли дамлар билан бошланган. Шунда мен шифокорлик касби олийжаноб касб эканлигини, лекин шу билан бирга уни накадар маъсулиятли эканлигини, уни эгаллайман деган инсондан фидойилик, тинимсиз меҳнат, чукур билим, маҳорат, сабр-тоқат талаб қилинишини яна бир бор ўзимда хис этганиман.

Туман бош шифокори, улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ж.С.Сиддиков ўта талабчан, каттиқкүл инсон эдилар.

Ишни бошлашимни биринчи куниёқ у менга: “Бир кўлингда ички касалликлар бўйича дарслик, иккинчи кўлингда рецепт билдиригичи, бўйнингда фонендоскоп бўлсин. Бўлимга келган хар бир bemорга ташхис кўйганингдан сўнг, шу касалликни китобингдан ўки, даволашини яна бир бор эсингга сол, кейин bemорни даволашга ўт. Билмаганларингни тортинмай ҳамкасларингдан сўра. Агар мен бўлимга ташриф буюрганимда, сенда мен айттан нарсалар бўлмаса, сен ишдан кетасан” деб уқтирганлар.

Мен бош шифокорнинг барча насиҳатларини бекаму кўст бажариб бордим ва тез орада туман шифокорлари ўртасида хурматга сазовар бўлдим.

Мен доимо иш жараёнида: амбулаторияда ҳам, шифохонада ҳам терапевт Бокижон aka Махмудовдан ( у кейинчалик Андикон Давлат тиббиёт институтида ишлади, номзодлик диссертациясини ёқлаб, доцент лавозимига эга бўлди) кўп сабоқ олдим. Билмаганларимни ишдан кейин бўлса ҳам, уни безовта қилиб, сўраб ўргандим. У ҳеч қачон мендан ўз ёрдамини аямади. Мени шу даражага етишимда Бокижон aka Махмудовни хизматлари жуда катта. Мен уни устозларимдан бири деб биламан ва унга доимо таъзимдаман.

Туманда 2.5 йил ишлаб, сўнг Андикон вилоят шифохонасининг ички касалликлар бўлимида хизматни давом эттиридим. У ерда кафедра мудирлари профессор У.А.Аскаров, доцент Ш.Р.Расулов ва доцентлар А.Зиямхўжаева, Е.Н. Константиновларнинг bemорларни кўрувида мунтазам катнашдим, сабоқ олдим, кўп бор навбатчиликларда турдим.

Шу йиллари вилоятда электрокардиограмма (ЭКГ) ни тахлил қилувчи мутахассис кам эди. Вилоят шифохонасидаги ҳамда вилоят маслаҳат поликлиникасига келган bemорлардан олинган ЭКГни фактат улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ЭКГ кабинети мудири, терапевт Н.И.Банишевская тахлил қилас эди. Айрим туман шифохоналарида кардиолог шифокорлар уни раҳбарлигида 1 –ойлик курсда ўқиган эдилар холос.

Мен 1967 йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида 2 –ой давомида ЭКГ дан малака ошириб қайтдим.

Шундан бошлаб, мен вилоят маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилган беморларни ЭКГ ларини тахлил кила бошладим. Н.И.Банишевская бемор бўлган вақтлари эса вилоят шифохонасидағи беморларни ҳам ЭКГ ларини тахлил килиб бердим ва бу соҳада маълум малакага эга бўлдим.

1968 йилнинг август ойида Андижон Давлат тиббиёт институтида педиатрия факультетининг ички касалликлар кафедраси очиладиган бўлди. Кафедра мудири этиб, тиббиёт фанлари номзоди С.Ю.Турсунов тайинланди. Бу кафедрага 2 та асистент ўрни ажратилди. Бир ўринга мени таклиф этишди. Мен кафедра асистенти бўлдим.

Кафедрани ташкил қилиш осон кечмади. Кафедра шаҳарга якин Андижон туманининг Ёрбоши кишлогида жойлашган туман шифохонасининг филиалида очилган эди.

Кунда соат 16.20 ларгача 3-курс талабалари билан дарс ўтиларди. Ундан сўнг кафедра мудиirimiz ва биз (2 та асистент) қора халат кийиб ўкув хоналарини, қўшимча хоналарни таъмирдан чиқарадик, маъруза ва дарслар учун кўргазмали куроллар тайёрлардик, кеч соат 21.00-22.00 ларгача ишлардик. Бир йил ичida кафедрани анча жихозлаб олдик.

Кейинги йиллар ичida кафедрамизда педиатрия факультетининг 4-5-6 курс талабалари ҳам ўқидиган бўлишди. Шу боис, ҳар йили кафедрада педагоглар сони ҳам орта бошлади. Шу 4-та курсда 3 тадан поток бўлган бўлса, ҳафтада 10-12 та маъруза режалаштирилган бўларди. Кафедрага янги педагогларни олганлигимиз туфайли, улар ўргасида маъруза ўқидиганлари йўқ эди. Барча маърузаларни кафедра мудири ва илмий даражам бўлмасада, мен ўқирдим. Мен 1967-68 йиллари вилоят шифохонасида ишлаш билан бирга, Андижон педагогика институтида 1-2 курс талабалари учун анатомия ва физиология фанларидан маърузалар ўқир эдим. Шу тажриба менга кўл келган.

3-4-5-6 курслар учун маърузаларни талаб даражасида ўқиш учун мен ўз устимда кўп ишлардим, талабаларга бор билимимни беришга харакат қиласардим.

Мен шу йиллари кафедрада ўкув ишлари бўйича масъул эдим ҳамда институтнинг ходимлар касаба уюшмаси аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатардим.

Аста-секин кафедрада илмий тадқиқотлар учун ҳам замин яратилди.

1972 йилнинг октябрь ойида асистентликдан аспирантурага қабул қилиндим. Кафедра мудиримиз менга Фаргона водийси ахолиси ўртасида катта ёшдаги (18 ёш ва ундан юкори) эгизакларда атеросклероз касаллигини келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этувчи ёғ алмашинуви, қонни ивиш ва ивишига карши кўрсаткичларини ўрганишини топширди. Бу жуда қийин ва мураккаб мавзу эди. Эгизакларни кидириб топишга беш ой вақт кетди.

Юқоридаги кўрсаткичларни Москвадаги кардиология институтининг биохимия лабораториясида ўрганиб келдим ва уни кафедра лабораториясида йўлга кўйдим. Текшириш натижаларини тўғри ёки нотўғрилигини аниклаш мақсадида ҳар бир эгизакнинг қон зардобидаги ўша кўрсаткичларни аввал Андижонда, сўнг Москвадаги кардиология институтида текширилган. Натижалар бир хил чиққандагина тахлил тўғри килинган деган холосага келинган. Қон тахлили кечқурун соат 24<sup>00</sup> ларда тутатиларди. Эрталаб яна эгизакларни текширишга кетиларди.

Бу ишлар айтишгагина осон, лекин бажариш машаққатли эди. Шундай бўлсада, 146 пар эгизакдан 112 пар эгизакни шу усуlda текшириб, натижаларини олдим. Тинимсиз меҳнат туфайли номзодлик диссертациямни Москвадаги кардиология институтида аспирантура муддатидан илгари химоя килдим.

Агар мени институтдаги меҳнат дафтарчамни кўрилса, унда номзодлик диссертациясини муддатидан аввал химоя килгани учун О.Салоҳиддинов аспирантурадан хайдалсин ва асистент лавозимига ўтказилсин деб, 1975 йил май ойида чиқкан бўйрукни ўқиши мумкин.

1975 йилдан бошлаб мен даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ишлай бошладим ва 1976 йили доцент унвонига сазовор бўлдим. 1976 йилдан 1982 йилгacha кафедрада ишлаш билан бир каторда, институтни интернатура бўлимини бошқардим. 1983 йили профессор С.Ю.Турсунов бошқа кафедрага мудир этиб тайинланганлиги муносабати билан мен ўз кафедрамизга мудир этиб тайинландим ва 1987 йилгacha бу лавозимда фаолият кўрсатдим.

1978-1986 йиллари институт ва факультет пахта штабларида ишладим ҳамда даволаш факультетининг партия ташкилоти котиби вазифасини ҳам бажардим.

1986 йили институтимизга 2 та ва 1987 йили эса 6-та докторантурга ўрни берилганди. Мен 1987 йили докторантурага қабул қилинди. Диссертация мавзуси қишлоқ ахли ўртасида артериал гипертония касаллигининг профилактикасига бағишиланди. Уни бажариш учун вилоятимизнинг бир қатор қишлоқларини кезиб, 40 мингдан зиёд аҳолини текширувдан ўтказдим, аниқланган гипертония касаллигидаги bemорларни 3 йил давомида даволадим. Бу ишни бажариш жараённада ёк уни амалиётга тадбик этдим. Тунни кунга улаб меҳнат қилишга түгри келди. Натижада 1989 йилнинг сентябр ойида Москва шаҳрида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

1990 йилдан педиатрия факультетининг ички касалликлар кафедрасига мудир этиб тайинландим ва бу лавозимда 1997 йилгача ишладим. 1991 йили профессор унвонига сазовор бўлдим.

1997 йилдан бошлаб ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори ҳамда институтнинг **ички назорат инспекцияси бошлиғи, проректор** лавозимида 2007 йилгача ишладим.

Кафедрада ишлаш билан бирга 1998 йилдан 2005 йилгача институтнинг “Тиббиёт гулшани” газетасини бош мухаррири, институтдаги ихтисослашган илмий кенгаш котиби лавозимларида ҳам фаолият кўрсатдим. 2000 йилдан бўён кардиолог-эксперт вазифасини бажарайпман.

Ҳозирда институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозимида ишламоқдаман.

Шу кунгача ички касалликлар фани бўйича 2 та дарслик, 9та монография, 157та ўкув-услубий қўлланмалар, 7та рационализаторлик таклифи, 250 тадан зиёд илмий мақола ва тезислар чоп этдим, 6 та номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчи бўлдим. Кўплаб докторлик ва номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилдим ва тақриз бердим.

“Маънавият” рукнида 17 тадан зиёд катта рисолалар ёздим. Газета ва журналларда 120 дан зиёд шу мавзулардаги

мақолаларим чоп этилди. Булар билан Сиз ушбу рисоланинг иловасида танишасиз.

Шифокор сифатида кафедра мудиримиз билан биргаликда 1976 йилдан бошлаб Фаргона водийсининг тиббиёт муассасаларида фан янгиликларини амалиётта кенг тадбик этабошладик. У ерларда энг оғир юрак касаллиги бўлмиш миокард инфаркти касаллигидаги беморларга тезкор ёрдам кўрсатувчи жадал даволаш хоналарини ташкил қилинишини йўлга кўйдик. Уларни Москвадаги кардиология илмий текшириш институтида ўрганиб, кайтган эдик.

Кафедра мудиримизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1974 йили Республикализ Соғликни Саклаш Вазирлиги томонидан Наманган вилоятининг Чорток сиҳатгоҳида водий аҳолиси учун 30-үринли миокард инфарктидаги беморларни бепул реабилитация қиласиган кардиология бўлими очилди. Бир йил давомида профессор С.Ю.Турсунов ойнинг биринчи ва учинчи, мен иккинчи ва тўртинчи ҳафтагарнида у ердаги беморларни тиббий кўрикдан ўтказиб, шу бўлимда ишлатган шифокорларни малакасини оширишга ёрдам бердик. Шу йили Фаргона вилоятининг кардиологларидан 24 тасини оталиқ ёрдами бўйича бир ойлик курсда ЭКГ дан ўқитдим.

Водий шифокорлари учун кўп мароталаб долзарб мавзуларда илмий – амалий анжуманлар ташкил қиласик, уларни кўп бора аттестациядан ўтказдик, уларга ўзимиз чоп этган bemорларни даволаш ва профилактикасига оид кўлланмалар билан таъминлашга ҳаракат қиласик ва қилмоқдамиз.

Донишмандлар айтганидек, инсон ҳақиқий сабокни ҳаёт деб аталмиш мактабдан олар экан. Биз ана шу сабоклар таъсирида хосил бўладиган хulosаларга таяниб яшар эканмиз. Лекин ҳаётдан хар ким ҳам сабоқ олавермаскан. Эл ичидаги элга эл бўлмайдиганлар ҳам оз эмас экан. Шу боис Хусрав Дехлавий ҳам: „Кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим” деганида минг бора ҳақ экан.

Инсонлар орасида бировлар ютуғига хавас билан эмас, балки хасад билан қарайдиганлар ҳам бор экан. Шу ўринда шоир Шухрат ҳам:

*Ҳар одам – бир олам: тоги, жары бор,  
Туни бор, куни бор, дўли чақмоги.*

*Баъзида ёнмоқни этса шхтиёр,*

*Баъзида мумкиндир селдек оқмоги, деган эди.*

Институттинг ички назорат инспекциясини бошлиги, проректор лавозимида ишлаган пайтимда мени устимдан юкори ташкилотларга 4 – марта юмалоқ (аноним) хат тушган.

Қатор текширувлар үтказилган, асаббузарликлар бўлган, лекин биронта юмалоқ хатда кўрсатилган айблар ўз тасдигини топмаган. Извогарлар аникланган, улар бош эгиб, тухмат ўюштирганликларини тан олишган.

1989 йили докторлик диссертациясини химоя қилганимдан сўнг, хали диссертациям мен химоя қилган институтдан Олий аттестация хайъатига (ОАХ) тушмай туриб, уерга яна юмалоқ хат йўллашди. Мендан сўнг диссертациясини химоя қилган айрим ҳамкасларим ОАХ дан диссертация химоясини тасдигини олишган бўлсалар ҳам, менга тасдиқ хати келмади. Мен тушкунликка тушмадим, ота- онам насиҳатларига амал қилиб, сабр қилдим, бирон марта ҳам ОАХ-га бормадим, тасдиқни албатта келишига ишонч билан яшадим.

Шу ўринда газетада ўқиган бир воқеа ёдимга тушди. У қуйидагича: “Нуфузли бир идорада ишлайдиган бир инсон хаётни жуда жўшкинлик билан севаркан. Ҳар куни бажарган энг яхши ишларини ён дафтариға ёзиб борар ва ҳар тонгда туриб, шукrona келтиришни ҳам канда қилмас экан. Баъзида иши кўпайган пайтлари бу одат эсидан чиқа бошлади. Уни доимо ёдда саклаш учун костюмининг чўнtagигига тош солиб қўйишга одатланибди. Шундан сўнг, ҳар чўнtagига қўлини тикканида бармоклари шу тошга урилар ва у шукrona келтириб қўяр экан.

Бир куни чет элдан келган дўстини шахар айлантириб юрганида, шу тошлар бехосдан ерга тушиб кетибди. Дўсти “У нима?” деган экан, “Нажот тошлари”, дея ҳазиллашибди. Ўша дўсти ўз юртига жўнаб кетибди ва орадан олти ой ўтгач, унинг электрон почтасига хат ёзибди.

“Дўстим, ўғлим бедаво дардга йўлиқди. Докторлар нажот йўқ дейишаётчи. Илтимос, ўша нажоткор тошларингдан юбор”.

Хатни ўқиган киши ўйланиб қолибди. Ахир унинг чўнtagидаги тошлар оддий тошлар-ку. Лекин буни дўстига қандай айтади? “Бергиси келмаганидан шундай деяпти”, деб ўйласа-чи?. Ахийри ўйлай-ўйлай, дўстига тош юборишга қарор

қилибди ва дарёдан түртта оддий тош олиб, дўстига жўнатибди. Орадан уч ой вакт ўтгач, ўша дўстидан яна хат келибди: “Дўстим, ўғлим тузалиб кетди. Тошлар учун сенга катта раҳмат. Ҳозир сенинг нажоткор тошларинг оиласизнинг энг якин хамрохига айланган”

Кўрдингизми, ишонч инсонга қанчалик катта куч беради. Биз баҳтли бўлишимизга, яхши кунлар келишига қанчалик ишонсанк, ички имкониятларимиз шунчалик кенгаяркан. Ичимизда жуда катта илохий кудрат яширинган экан. Фақат биз уни юзага чиқаришни билишимиз лозим экан.

Менда ҳам худди шундай бўлди. Ҳимоямдан б ой ўтгач ОАХ дан тасдиқ хати келди. Дипломни олгани ОАХ га борсам, диплом бергувчи хонадаги қизлар: “Нега Сиз ҳимоядан б ой ўтса ҳам бирон марта бу ерга келмадингиз, сизни тоқатингизга қойил” дейишиб, хурмат юзасидан ҳимоя варагимни алоҳида жилдга солишиб, менга тақдим этишди.

ОАХ да аттестация йигилиши баённомаси билан танишиш имконини топдим. Унда ёзилишича ОАХ раиси хайъат аъзоларидан, нега бу докторлик диссертациясини кўриб чиқиши 6-ой давомида чўзаттганлари сабабини сўраганида, улар бу иш бўйича аноним хат тушганлиги, ёзувчини имзоси йўклиги туфайли институттга буни тасдиклаб беришларини сўраб икки марта хат йўллаганликларини, у ердан жавоб хати ололмаётганликларини айтишган. Шунда ОАХ раиси вакт ўтаётганлигини, хатни аноним деб ҳисоблаб, бу ишни тезликда кўриб чиқиш кераклиги ҳакида топшириқ берган. Хайъат йигилишида илмий ишимга юқори баҳо беришганлиги, бу ишни долзарб мавзуға бағишлиланганлиги, бу иш Собиқ Иттифоқ миқёсида биринчилардан бўлиб бажарилганлиги қайд қилинган экан.

Аноним хат ёзганларни кора ниятлари амалга ошмади, улар ҳимоям тасдигини узокроқ вақтда олишимга эришдилар холос. Мен шунда Аллоҳга шукрлар қилдим, “Ҳақикат эгилади, букилади, лекин синмайди” деган ҳалқ нақлини нақадар пурмано эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Иш жараёнимда менга бу ёмонликларни право кўрган кимсаларга, аввалгидек яхши муомалада бўлавердим. Уларга Аллоҳдан инсоф тиладим. Доноларнинг “Агар кўнглингта хеч бир жароҳат

етмаслигини хохласанг, бундай инсонлар билан баҳлашмагин, мунозара қилмагин. Агар обрўманд бўлмоқни хохласанг, вазминликка одат қилгин” деган сўзларига амал қилдим. Кейинчалик бу инсонлар ўз-ўзидан обрў-эътибордан четда колиб кетдилар.

Бир оғиз ширин сўз, яхши муомала, кечиримлилик замирида катта тарбиявий куч мавжудлигига кўп бор амин бўлганман. “Ёмонни ёмонлик билан яхшилаб бўлмайди” деган гап бор-ку. Кечиримлилик менимча **итоатга** якинроқ туради. Лекин айрим кимсалар шуни тўгри тушумоклари лозимки, итоатли инсон деганда ҳак-хукуклари чекланган инсонни эмас, балки хурмат – иззатни жойига қўядиган инсонни тушумоқ керак.

Ҳар нарсанинг ибтидоси бўлганидек, уни интикоси ҳам бўларкан. Агар инсонни сўzlари “Эзгу” бўлса, бошқалар қалбидан жой олган бўлса, уни номи мангу қоларкан, тиллардан – тилларга, диллардан – дилларга кўчиб юаркан.

“Инсон фазилатини оширувчи ёқимли хулклардан бири тўгриликдир” дейишади донолар. Тўгри ўсан дарахтга ҳамма ҳавас билан караса, тўгри одам ҳам ҳалқ ўртасида обрў-эътиборда бўларкан. Яхши инсонни кўнгли пок бўларкан. Кўнгли пок инсон эса тўгри сўзларкан, камтар, ҳалол бўларкан, фиску-фасод билан шугулланмаскан, доимо шукронга айтиб яшаркан. Лекин ҳаётда ўзини бошқалардан устун хисоблаб, ўзгаларга нисбатан нописанд бўлган шахсларни ҳам кўп учратаркансан.

Бу такаббур шахсларнинг дилидагиси кўпинча тилидагисига тўгри келмаскан. Қани энди иложи бўлса, худди электрокардиограммага ўхшаб, бу инсонларнинг дилидаги ва тилидагисини дилограмма ва типограмма ҳолида ёзиб, бир-бирига солиширилса, бутунлай мос келмаслигини кузатган бўлинарди. Ажаб эрмас, бундай давр ҳам келиб қолар.

Такаббур кимсалар кўзларини бакрайтириб туриб, худди хеч ким сезмаётгандай сизга ёлғон гапириб, сизни авраб, хушомадона муомалада бўлишга ҳаракат қиларканлар, аммо уларнинг кўнгилларида эса “ҳасад” ўти ёнаркан. Дўстлари ютуғидан кувониш, уларга ҳавас қилиш улар қўлидан келмас экан.

Машхур адиб, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Ўткир Ҳошимов бундай инсонларга қарат: “Мен хасадгўйни кутурган итга ўхшатаман. Фарки шундаки, кутурган ит дуч келганни қопади, хасадгўй эса энг яхшиларини танлаб қопади. Бошқалар ўнгланмасин, хеч ким мендан ўзиб кетмасин деган ичи қора, худбин одам хеч қачон, хеч кимга яхшилик согинмайди” деган эди.

Бундай шахслар бошқалар олдида ўзларини маънавияти юксак, бой килиб кўрсатишга устаси фаранглик килиб, ҳаммага акл ўргатарканлар, ўзидан яхши таъсурот қолдиришга ёлгондакам ҳаракат киларканлар. Лекин булар ҳамма ерда ҳам ўзига яраша ҳисоб-китоб борлигини, атрофдагиларни ҳаммаси ҳам улар ўйлаганидек “ахмок” эмас эканликларини гўёки сезмас эканлар.

Кибру ҳаволи шахслар кўпинча дилозор бўларканлар. Бирорни дилига озор бериб, унга таъсир ўтказган шахслар хеч қачон обрў топмасканлар, аксинча одамларда уларга иисбатан яширинча нафрат уйгониб, одамлар ундайлардан узоклашишга интиларканлар.

Шу ўринда бир ривоятни эслаб ўтишни жоиз топдим. Унда айтилишича, Лукмони ҳаким йўлда кетар экан, бир хонадондан оҳ-воҳ эшитилибди. Таваккал килиб эшикдан ичкарига кирса, ранглари саргайган, ночор аҳволдаги беморни кўрибди. Дарҳол bemorninig кўл томирини ушлаб кўриб, хулосасини ҳам баён килибди: “Сизга илон заҳри даво бўлади. Мен ҳозир даладан бир илон тутиб келаман”.

Ҳаким йўлда давом этиб, бир бутазорда узунлиги бир газ келадиган илонни ушлабди. Шунда Яратганинг каромати или илон тилга кириб, сўрабди:

-Мени нима қилмоқчисан?

- Сенинг заҳринг керак, бир кишига шифо бўлади.

-Йўқ, ҳаким, адашдинг. Менинг заҳрим уни тузата олмайди. Негаки, уни ўзининг дўсти заҳарли сўzlари билан чақкан. Қачонки, одам одамни чақса, унинг давоси топилмайди.

Ривоятдан маълумки, одам одамга тил билан озор етказса, оқибати яхши бўлмас экан. Шу боис, бир куни Лукмони ҳакимдан: - хастага нима едирайлик?, - деб сўрасалар, у ўйламайнетмай: “Аччик сўздан бошқа нима едирсангиз, едираверинг” деган эканлар.

Яна шуни унутмаслик керак эканки, кимки алам ва ситам дарахтини экса, албатта азоб ва уқубат мевасини ҳам териб оларкан. Буни ҳаёт қонуни дейишади. Шу ўринда ҳам ўқиган бир ривоятни Сизларнинг ҳаволангизга келтирмоқчиман.

Бир куни жаноби Расулуллоҳ (САВ) саҳобаларига қараб айтибидиларки: “Биласизларми, мискин бечора ким?”, Саҳобалар жавоб беридилар: “Мискин бечора деб на пули ва на матоси бор кишини айтurmиз”. Шунда пайғамбаримиз айтибидиларки: “Йўқ, мискин бечоралар деб шундай одамларни айтадиларки, менинг умматларим киёмат куни маҳшаргоҳга йигилган пайтларида, уларнинг ичида намозларини ўз вактида ўқиган, рўзалар тутган, закотларини ҳам адо этган мусулмонлар бўлади. Лекин улар бошка айблари сабабли мискин бечоралардан ҳам баттар хисобланурлар. Чунки улар ибодатларини мукаммал қилганилари билан бировларни сабабсиз сўккан, ҳақорат қилган ёки нохақ зулм ўтказган бўладилар. Ана энди маҳшаргоҳда ўша мазлум, жафокаш кишиларга Ҳақ Таоло булардан қасосларини ундириб беради, яъни қанча зулм ўтказган бўлсалар, шунча микдорда қилган хасанотларидан – савоб ишларидан олиб, шу мазлумларга бўлиб беради. Агар қилган савоб ишлари тўлашга етмаса, мазкур мазлумларнинг гуноҳларидан олиб, ўша золимларга ёзилади. Савоблар тутаган ва унинг устига ҳалиги мазлумларининг гуноҳларини ҳам ўзларига олганларидан кейин табиийки, жаҳаннамга ташланурлар”, деб жаноби Расулуллоҳ ўз умматларига разил сифатларнинг оқибати қандай мудхиш эканлигидан хабар берган эканлар.

Дарҳақиқат, ҳар қандай йўқотишларни ўрнини қопласа бўларкан, аммо маънавий йўқотишларни ўрнини қоплаш мушкул экан.

Кузатиш, ҳаёт сабоқлари шуни яққол кўрсатадики, такаббурлик қилиб, ўйламай қилган ишлар, айтилган гаплар узок яшамасада, лекин унинг тавбаю пушаймони кўп вақт давом этаркан ва инсон хотирасидан чикмаскан.

Шу ўринда, Ибн Синонинг:

*Одамлар, ранжитманг бир бирингизни,*

*Одамлар, ланже этманг бир бирингизни.*

*Умрни қисқартар лат еган юрак,*

*Шундоқ ҳам умр қисқа, қадр этмоқ керак.*

деган сўзлари жуда ўринлидир

Хуллас кишининг ҳаёти саноқсиз сабокларн иборат бўлиб, сабоклар фойдали ёки зарарли, ибратли ёки беҳуда бўлиши мумкин экан.

Ҳамма гап шунда эканки, ҳаёт сабоклари қандай бўлмасин, уларнинг ҳар биридан тўғри хулоса чиқариб, фойдалиларини ривожлантириб, зарарли ва беҳудаларини такрор қилмаслик керак экан.

Оллоҳ инсонга дунё, амал бериб, уни синовдан ўтказаркан, қандай амаллар килишини кузатаркан. Агар у ҳаддидан ошса, яъни ўз бурч ва маъсулиятини унугтиб, бирорларни дилини оғритса, бойлика ружу қўйса, шунга яраша жавобини бераркан. Уни иши ўнгидан келмаскан, фарзандлари меҳрсиз бўларкан, уйидан барака қочаркан, омади чопмаскан, ҳар ишида ишқал чиқавераркан.

Бундан ташқари, Оллоҳ ҳар бир бандасига синаш учун яна қувонч, ғам ва ташвиш ҳам бериб кўрар экан. Шунинг учун, инсон Оллоҳ берган шу қувончли ёки ташвишли қунларга ҳам шукrona килиб яшашга ўрганмоғи лозим экан.

Ҳар кун, ҳар лаҳза биздан шукrona сўраркан. Шукроналикда катта ҳикмат ва барака, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик бор экан.

Шу боис бўлса керак, Накшбанд ҳазратлари ҳам: “Эй азиз, сиз бир одам билан чиқиша олмаётган бўлсангиз, бошка ҳеч ким эмас, факат ўзингиз айбдорсиз. Билингки, феълингизда нуқсон, имонингизда заифлик бор. Ҳакикий мўмин ўзгалардан ҳафа бўлмайди, айни ўзидан излади ва топади ҳам. Улуғлик одамлардан ранжимасликдан бошланади, чунки ранжишда кибр бор, кибр эса қалб кўзини хидалаштиради. Демак, яхшиликни ҳам ёмонликни ҳам ўзимииздан излаганимиз матьқул”, дейдилар. Ҳадисда ҳам “Яхши-ёмон қунларимизнинг муаллифи фақат ўзимиздадир”, дейилган.

Маълумки, инсон қалбини Оллоҳнинг мўъжизаси дейишади. Уни тафтиш қилиб, яхши фикр, шукр ила охорлаб турилмаса, киши бошига сезилмас оғатлар ёғилавераркан.

Донолар: Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири **қаноатдир**. “Қаноат туганмас бойлик. Қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси

бўлса ҳам, кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади”, дейдилар.

Аммо қаноат қилиш ризқ қидириш ва қасб билан шуғулланишдан тийилиш дегани эмас экан. Балки қасб туфайли топган нарсасига шукронга келтирмоги керак экан.

Қаноатсиз кишининг кўнглида ҳасислик ўти тугён урган бўларкан. “Фалончи уни олибди, пистончи буни олибди, мен ҳам олишим керак, нега унда бўлади, менда бўлмайди”, деб жонини жабборга бераркан. Бу ҳол яхшиликка олиб келмайди, албатта.

Донолар: “Инсонга акл, қўл, оёқ, тил ва дил – фақат яхшилик қилиш учун берилган. Қасд, ҳасад билан бирорни кўнгилини вайрон қилган одам, мўминликдан чиккан одамдир” дейишиди.

Сиз ишга бирор нарсадан кайфиятингиз бузилиб келдингиз, дейлик. Шунда Сиз бирорни асад найзаларингизни худа-бехудага санчмай, акл ва фаросатни ишлатиб, бу холатдан адолатли чикишга харакат қилиб кўринг. Доимо яхши сўзни, яхши ниятни куйлайвериш керак экан. Ҳадиси шарифда ҳам “Одамларга нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садака бўлади”, дейилганку.

Кўпни кўрган инсонларни: “Сиз бирорни айини қидирманг, дилини оғритманг, кишиларга берилган имконларга ҳасад қилманг, бирорни обрўсизлантиришга уринманг, адолатли бўлинг. Алқисса, ўзингдан обрў кетади. Бирорни тилаган ёмонлигингиз, ўзингиз томон юриб келади. Шу боис, ниятингизни яхши қилинг, палончидан менинг нимам кам деб, ўзингизни ўтга, чўғга урманг. Ишларимдан Оллоҳ розимикин?, деб ўзингиздан кўнглингиз тўлмай яшасангиз, Оллоҳ сизни доим қўллаб-қувватлайди. Ниятингиз мусаффо, тилингиз билан дилингиз бир бўлсин, нигоҳларингиз одамларнинг юрагига чўғ туширсин, юзингиздан фақат меҳрибонлик балқисин” деб, доимо эслатиб туришларини боиси ҳам шу бўлса керак.

Менимча, ҳар бир кишининг қадр-қиймати, ҳақи-хуқуклари ҳамма нарсадан устун туриши керак.

Киши ор-номусини, шаънини оёқ ости қилиш, дилозорлик, қўполлик, ҳасадгўйлик, ичиқораликка ҳаётнинг икир-чикири деб қарамаслик керак экан. Булар ҳаётимизнинг гўзал ва дилраболиги қадрига етмаслик, соғдил ва меҳнатсевар инсонларнинг ўта инсонийлиги ва олийжаноблигини кўра

олмаслик, унга онгли равишида азоб-уқубат ўтини отишдан бошка нарса эмас экан.

Ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Шундай экан, бундай инсонлар билан ўз қадр - қийматингни саклаган холда муомала қилганинг маъкул экан. Ҳалқимизда “Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча” деган мақол бекорга айтилмаган экан.

Юртбошимиз И.А.Каримов нуфузли йигилишларда: “Бизнинг ҳалқимиз сабр-токатли, бардошли, ориятли ҳалқ. У ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин ҳеч қачон адолатсизликка чидамайди”, деган сўзларни қайта – қайта тақрорлайдилар.

Ҳар биримиз кандай лавозимда ишламайлик, юртбошимизнинг шу сўзларини ёдда тутиб, адолатли бўлсак, дилозорликдан кочсак, ширинсуханрок бўлсак, ўртада ахиллик, ишларда муваффакият ва оиласда тинчлик бўлади. Одам одамга ганимат. Дунёга одам бўлиб келдикми, одам бўлиб яшайлик, бир-биримиздан яхши сўзни, яхши ниятни, меҳр-мурувватни аямайлик.

Бу кўхна дунёнинг чексизлиги олдида инсон умри лахзадек гап. Муттасил курашларлардан иборат бу ҳаётда инсон меҳнатидан улуг, инсон камолотидан гўзалрок нарса йўқ эканлигига беихтиёр имон келтирасан киши. Эзгулик ортида саодатли лаҳзалар яшайди. Ўз умрини ибрат китобига айлантира олиш ҳам инсоннинг яшаш санъатига боғлиқ экан.

Ўтаёттан умрим мазмуни хусусида ўй сурганимда, эл-юрт учун қилган катта-кичик хизматларим, касбимга ихлос ва мухабbat билан ёндошиб эришганларим ҳақида ўйлаганимда барчасининг замирида ота-онамнинг пурмона насиҳатлари ётганлигини хис қиласман.

Мен ҳаётим давомида ота-онамнинг ҳалоллик, поклик, камтаринлик каби фазилатлар тўғрисида айтган насиҳатларига, ҳамда уларнинг: “Ўзингиздан ожизларга раҳм билан, ўзингиз билан тенгларга инсоф билан, ўзингиздан устунларга ақл билан бокинг”, деган сўзларига доимо амал килишга интилдим.

Акам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) исми жисмига монанд “Қобил” инсон эди. У қайси лавозимда ишламасин (у пахта тозалаш заводида механик, инженер, директор

лавозимларида ишлаган) инсонларга меҳр-мурувватли бўлиб, эзгулик, саҳоват улашиб яшади. Вилоятимиз ахли ўртасида обрў-эътиборли эди. 2002 йили турмуш ўртоғи билан бирга Муборак Хаж амалларини бажариб қайтди.

Мени ҳаётда озми-кўпми эришган ютуқларимда меҳрибон акамнинг ҳам ибратли ишлари, мадади ва ота-онам каби пандунасиҳатлари қўл келди.

Истеъдодни берган Тангри ижодкорга оила ардоғини, ёр қувончини ҳам хадя этар экан. Рафиқамни шифокор бўлганлиги ҳам тақдирнинг бебаҳо инъоми. У менинг шодлик ва ғамгин онларимда, иссиқ ва совуқ кунларимда доимо бирга бўлди, кўнглимни кўтарди, ижодий ишларимга кўмак берди.

Бундай холларда инсонни ўзини баҳтиёр сезиши, инсонлар дардига кўпроқ малҳам бўлиши осон кечаркан. Шу боис мен улардан беҳад миннатдорман.

Ҳалол луқма еб, вояга етган 5 та фарзандим уйли, жойли бўлишди, ҳаётнинг турли жавҳаларида соғ-саломат хизмат қилмоқдалар. 2003 йили мен ва рафиқамга Муборак Хаж амалларини бажариб келиш насиб этди.

Биз мустакил юртимиз келажаги учун хизмат қилдик ва қилмоқдамиз.

Бугун оиласизда ҳам, жамоада ҳам ардоқдамиз, бизни ҳурмат қилишади, эъзозлашади. Бу Аллоҳнинг бизга берган тухфаси. Шулар биз учун катта баҳт, катта мукофот ва катта унвондир.

Маълумки, Аллоҳ таоло инсонни ажиб ва латиф қилиб яратди. Унга дунёдаги энг олий майлларни, энг гўзал хулқларни берди.

Шу боис инсон шукронга, сабр ва фаолиятни ўзига ошно этиб яхшиликни излаб яшаса, яхши ниятларига албатта етаркан. Бу ҳақда шоир Отабек Боқоний ҳам

*«Беками қўст яралган инсон,  
Берилгандир унга кўп имкон,  
Илму одоб тугалмас бир хол,  
Яхшиликни ўзингдан изла»*

*Ойни этак билан ёпмагин,  
Ўзгаларнинг айбин топмагин,  
Ҳар тарафга қараб чопмагин,  
Яхшиликни ўзингдан изла*

*Кибру риё тўнларинг ечиб,  
Манманлигу ҳасаддан кечиб,  
Сабру-бардош малҳамин ичиб,  
Яхшиликни ўзингдан изла»*

деганида минг бора ҳақдири

Халқимизнинг ардокли маънавият тарғиботчиси, эъзозли адабаси Турсуной Содикова ҳам “Инсонлик қисмати шу – бир ёқдан гилдираб кириб, у ёқдан гилдираб чиқиб кетасан, бир дам тўхташ йўқ. Шугина умрга баҳордай келиб, кўнгилларга чечаклар экиб кетиш қаёқдаю, умрга тутаб кириб, хаммани кўзини ачиштириб кетиш қаёқда” деган эдилар. Бу оламда хамма меҳмон, демак, ҳар бир одам ўз хурматини билиб, иззатли меҳмон бўлиб яшаб ўтишга эришсин. Кимни гами йўқ, бу дунёда! Шодликни куйлаб ўтганга нима етсин. Бизга берилган умрни ўзимиз безамасак, ким безайди?

Ўйлаб карасангиз, инсон ҳаёти тиниб-тинчимаслик ва доимий ташвишдан иборат. Ҳар бир инсон субҳидамни ўз ҳаётининг ибтидоси ва қуёшнинг ҳар бир ботишини эса ўз ҳаётининг интиҳоси, деб тушуниши лозим. Токи унинг ҳар бир куни қандайдир ҳайрли иш билан, ўз устунидан қозонган мўжизагина ғалабаси ёки ниманидир ўргангани билан нишонлансан.

Одатда енгил – елпи ҳаётни ўйлаганлар панд ейдилар. Инсон ҳар қачон умидсизликка тушмасликка харакат қилиши лозим. Инсоннинг нияти холис бўлиши, олдига қўйилган максадга эришмок учун унинг йулидаги барча қийинчиликларга бардош бериб, ирода билан ҳаракат қилиши керак.

Шу ўринда машхур ёзувчи Д–Дефонинг асаридағи Робинзон Крузони бир холатини эслаш кифоя.

Кимсасиз оролда қолиб кетиб, нима қиларини билмай умидсизликда турган Робинзон киргоқда ўтириб бир чумолини хатти – ҳаракатини кузатибди. Чумоли ўз ташвишлари билан қум устида ҳаракат қиларкан. У шу чумоли устига эрмак учун қум

сепа бошлабди. Күм тагида қолган чумоли харакат қилиб, бармоқлари билан устидаги күмни сокит қилибди. Робинзон чумоли устига яна күм сепиб, уни күмга яна күмиб юборибди. Чумоли яна харакат қилиб, күм тагидан эсон – омон чикибди.

Чумолининг бу ҳаракатларини кўрган Робинзон унинг фаолиятидан сабоқ олибди, ўзига керакли хулоса чикарибди ҳамда у ҳам ҳаёт учун курашга қаттиқ бел боғлабди, оқибатда бир инсон каби умрини мазмунли ўтказа бошлабди.

Бугун диёримизда ёшларга яшаш ва изланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Яратган эгам назар қилса, инсон меҳнатдан қочмаса, кексалар ўғитлари ва тажрибаларидан тўғри фойдаланса, албатта мақсадига эришади. Мен бунга ишонаман.

Яхши ният билан бир ишни бошладингизми, қандай бўлмасин уни охирига етказишга одатланинг. Ўйлаб қарасангиз, инсон умр бўйи бир йўлни босиб ўтаркан. Ундан ўтиш жараёнида ҳар бир инсон шу йўл изида яхшиликлар, эзгу амаллар, савоб ишлар қолдириб кетса, қандай яхши. Шу боис, бир хаваскор шоир ҳам:

*Босиб ўтилади умр деган йўл,  
Қолдирмоқ истайди бунда ҳар ким из.  
Кимдир қорга оёқ босар бир умр,  
Кимдир тош босди бејиздан бејиз.*

*Харсангда хеч белги қолдириб бўлмас,  
Кор ҳам куёши чиқса эрийди тамом.  
Келсанг-у яшиасанг, кетсанг оқибат  
Хеч ким эсламаса ёмондан-ёмон.*

*Яхшиси, тошларга чизиб кетайлик,  
Интилсак, имконин топамиз бешак.  
Эртаниги тарихни биз банд этайлик,  
Не қилиб юрибмиз ном қолдирмасак?*

*Етар, биз шунчаки яшамаймиз, бас,  
Олдга кўйдик олий, шонли бир мақсад.  
Мақсадки, рўёби шунчаки эмас,  
Яхшилик уругин экамиз фақат.*  
деган экан.

Баъзида, илгари эзгулик ҳакида гапиришмасди, қилишарди; кейингилар ҳам айтишадиган, ҳам қилишадиган бўлишди; хозиргилар эса айтишади, лекин қилишмайди, деган сўзларни эшитиб қоласан.

Шунинг учун мен Аллоҳ таолодан барчага қалби пок ва соғ, ахлоқи одобли, камтарлик ва шириңсұханлик, меҳроқибат, эзгулик ҳамма ваqt ҳамроҳи бўлишлигини тилаган ҳолда, шоирнинг қуидаги ўйтларини келтириш билан қисқа хотираларимни тутатаман.

*Тўзимли дунёда тўзмагин, дўстим,  
Бирорнинг кўнглини бузмагин дўстим.  
Хиёнат қилмагин омонатига,  
Ёрдам бер эзгулик, саҳоватига.*

*Шиоринг яхшилик бўлсин ҳар қачон,  
Иқболинг кулгайдир шунда бегумон.  
Яшагин покиза, ростюй ва ҳалол,  
Сен сабаб хеч кимса топмасин завол.*

*Меҳр табассуминг қатраси шифо,  
Сендан ўрганишигин нимадир вафо.  
Ярагин эл-юртшинг корига ҳар вақт,  
Кечиримли бўл, кўрсатгин шафқат.*

*Суянчигинг бўлсин одоб, интизом,  
Олмагин хеч кимдан қасос, интиқом.  
Тўзимли дунёда тўзмагин, дўстим,  
Ўзгалар кўнглини бузмагин дўстим.*

Ким агар ҳаётдан олмаса таълим,  
Унга ўргатаолмас хеч бир муаллим  
Абу Абдулло Рудакий

### ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Маълумки, дунё тарихида бетакрор фазилатлари билан ном таратган фидоий устозлар кўп бўлган. Улар яқинлари, халки учун хизмат килишдан чарчашмаган.

Лекин ҳаётга чукур назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир жамоада ҳам ўз ортидан кимнидир эргаштираолган, тўғри йўл кўрсатган, одамларнинг қалбидан жой олган, бутун ҳалол меҳнати билан ҳалқимиз орасида обрў – эътибор қозонган, ўз касбининг фидоийси, соф вижданли, бағри кенг, эл-юртга, айниқса ёшларга ўrnak бўладиган устозлар ҳам борлигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Ижодкорлик истеъодига эга бўлган бундай инсонлар меҳнатини хурмат килиб, эъзозлаб, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, улардан маънавий озуқа олиш ёшлар учун ҳаётий заруриятдир.

Шуларни хисобга олиб, институтимизда салкам яrim асрга яқин фидокорона фаолият кўрсатा�ётган, кишилар дардига малҳам бўлишни юксак қасбий ва аҳлоқий бурч деб билган, залварли меҳнати билан ҳалқимиз орасида обрў-эътибор қозонаётган устозлардан бири, кардиолог олим, профессор Одилжон Салоҳиддинов тўғрисида ёзишни мақсад қилдим.

Бундай фикр менда қандай пайдо бўлди?

Кунларнинг бирида мен бир иш билан унинг хонадонида бўлдим. У мени очиқ чехра билан илиқ кутиб олди. Ижод хонасидаги стол усти қўллэзмаларга тўла эди. Мен унга: “Яна ижодми” деб савол бердим. У: “Ҳа, шундай” деб жавоб берди.

Нимани ёзаётганилигига қизиқдим. У: “Биласиз, ҳаёт дегани бир текис кетмас экан, қувончли кунлар, ташвишли кунларга алмashiб тураркан. Шу боис донолар: “Ойнинг ўн беши ёруг, ўн беши қоронгу”, дейишаркан. Улар яна: «Ҳар бир шахс дам бадам ортга бир назар ташлаб, ўтган умри давомидаги ютуқ, камчиликларга эътибор бериб, улардан керакли сабоклар чиқариб турса, ҳаётида кўнгилсизликлар кам бўлади. Ҳаёт ўзига

хос имтиҳон ва синов майдонидир. Бу майдонда сабр килаолгандаргина муваффакият қозонади « дейишади.

Шу фикрда мен ҳам ўтган умрим мазмунига назар ташлаб, уларни окка кўчиришга ният қилдим. Балки булар фарзандларим, невара, чевараларим ёки бошқаларга ҳам фойдаси тегса, ажаб эрмас” деди.

Мен қизикиб, уни ёзганларини кўлёзма холида бўлса ҳам ўқиб чиқишга руҳсат сўрадим. У :”Қандай бўларкин” деб бироз тўхтади, лекин менинграйимни қайтаргиси келмай, руҳсат берди. Мен кўлёзмани уни уйидаёт ўқиб чиқдим. У ўз фаолиятини қиска, лўнда баён қилибди. Мен унга: “Айни муддао бўлди, агар руҳсат берсангиз, шу рисолангизда Сизнинг хақингиздаги ўз фикрларимни шогирдингиз сифатида баён этсам, бошқа пайт бундай қулай имкониятни топишим кийин, деб туриб олдим ва уни бу таклифимга кўндиридим.

Мен институтни битириб, Наманган шаҳрида шифокор-терапевт лавозимида ишладим. Илмга бўлган иштиёқим туфайли, 1976 йили Андижон Давлат тиббиёт институтининг ички қасалликлар пропедевтикаси кафедрасига клиник ординатурага ўқишига кирдим. Ўша пайт кафедрани доцент С.Ю.Турсунов бошқаарди. Доцент О.Салоҳиддинов эса кафедрада ўкув ишлари бўйича масъул эди.

Клиник ординатурада ўқиши жараёнида илмга бўлган иштиёқимни обдон ўрганган С.Ю.Турсунов мени Москвадаги кардиология институтига жўнатди. У ердан кардиологик беморларга ташхис қўйишга мўлжалланган бир нечта текшириш усулларини ўрганиб кайтдим.

Номзодлик диссертацияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошладим. Текшириш натижаларига оид мақолалар чоп этилиши керак эди. Бу соҳада О.Салоҳиддинов менга ёрдам кўлини чўзди.

Кунлар, ойлар, йиллар давомида у менга қанчадан-канча ўгит, маслаҳатлар берди, қанча иш ўргатди. Неча бор мени талабаларга ўқиган маъruzalarimda қатнашиб, уларни чукур тахлил қилиб берди, ютуқларимни баён қилибгина қолмай, камчилликларни мулойимлик билан тушунирди.

Рахматли онам О.Салоҳиддиновни жуда яхши кўрарди. Ҳар кўришгандаридаги “Ўғлимни кўллаб кувватланг, унга тўғри йўл

кўрсатинг, акалик қилинг” деб тайинлардилар. Онамнинг кўнглини у хотиржам қиласди ва уни амалда бажаарди. Онам раҳматли уни доимо гойибона дуо қиласдилар.

Мен О.Салоҳиддиновни устозларимдан бири деб биламан ва буни ҳамма жойда, ҳамма вақт айтиб келаман.

У ҳаётнинг мазмунини чуқур англаб етган, ҳаётга, одамларга алоҳида эътибор, меҳр-мухаббат билан қарайдиган, ҳар бир қунни, ҳар тонгни кувонч ва шукроналик билан қарши оладиган инсон. Буни унинг нурли ҳаёт йўлига назар ташлаб яққол тасаввур қиласиз.

О.Салоҳиддинов 1968 йилдан то шу кунгача Андижон Давлат тиббиёт институтида меҳнат қилмоқда. Шу йиллар давомида у оддий ассистентликдан профессор даражасига кўтарилди.

У ўз касбининг билимдони, юксак салоҳият эгаси, камтар, олийжаноб, хушчакчак инсон. У ҳар бир топширикни **масъулият билан бажаришни, интизомлиликининг биринчи талаби** деб билади. Унинг чехрасидаги нурда кишини ўзига ром этадиган оҳанграбоси бор. Унда инсонни эзгуликка рухлантириш қобилияти кучли. Унинг дўйстлари кўплигига хавасимиз келади.

Маълумки, инсон ҳаётининг муҳим меъzonларидан бири – ҳалолликдир. У бор жойда хайр – барака, тўкинлик, хотиржамлик хукм суради.

Шу боис, ҳалқимиизда “Ҳалоллик – мартабани безайди” деган ҳикмат юради.

Баъзи кимсалар тилига ҳам ололмайдиган “Ҳалолликдек” улуғликни кўнглига жо этиб, ҳақиқатнинг тиканли сўқмоқларидан юриш учун жуда катта ирода керак. О.Салоҳиддиновда шу иродани етарли дея оламан.

Инсон қадри қандай яшагани, уни қанча умр кўриши билан эмас, қилган эзгу ишлари билан белгиланишини ҳаммамиз биламиз.

Севимли ёзувчимиз Тохир Малик: “ Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам одам боласини бошига саодат соябони бўлувчи фазилат- яхшилиkdir. Бу соябонни сотиб олиш мумкин эмас. Бошка одам ҳам ясад беролмайди. Ҳар бир киши уни амаллари билан ўзи ясади. Саодат ва фарогатга ёмонлик аталмиш ботқоқлик орқали етаман деган инсон нодондир”, деган эди.

Инсон ҳаёти, узун ва машаққатли йўлга қиёсланса, бу йўлда бекатлар бўлиши табиий. Умри давомида бошқаларга наф келтира олган, ўзидан ортиб, кўпнинг дуосини ола билғанларнинг борган манзиллари том маънода эзгулик бекатлари деб аталади, дейишади. О.Салоҳиддиновнинг умр йўли ҳам эзгулик бекатларига бой.

У шиҷоати жўш уриб турадиган, тиниб-тинчимас фидоий инсонлар тоифасига киради. Бир инсон умри миллионлар орасида денгиздан томчи каби кўзга ташланмаслиги мумкин, лекин бажарган ишлари, эришган натижалари билан ҳисоблашиб, кўнгил кўзгусидан ўтказадиган бўлсак, бу бутунлай ўзгача тус олади. Унинг бу фазилатларини номзодлик ва докторлик диссертацияларини бажариш жараёнда кузатиш мумкин. У диссертациялар мавзусини танлашда енгил-елпи ишларга кўл урмади.

1972 йили у аспирантурага кириб, кафедра мудири тавсиясига кўра номзодлик диссертацияси мавзусини тиббиёт генетикасидаги долзарб мавзу “Катта ёшдаги эгизакларда ёғ алмашинуви, қоннинг ивиш ва ивишига қарши кўрсаткичлари”ни ўрганишга багишлади. Чунки, ўша пайтгача эгизакларда ёғ алмашинувини айрим кўрсаткичларигина ўрганилган эди холос. Қоннинг ивиши ва ивишига қарши кўрсаткичлар эгизакларда на факат бизнинг мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилмаган эди. Бу кўрсаткичларни факат биргаликда ўрганишгина атеросклероз касаллиги диагностикасида ижобий натижалар берар эди. Лекин бу кўрсаткичлар кўп бўлиб, амалиётда қийин бажариларди. Текширишга кўп вакт кетарди.

О.Салоҳиддинов буларни ўрганиш учун Москвадаги кардиология илмий текшириш институтига боради, уларни амалий бажарилишини ўрганиб келиб, кафедра лабораториясида йўлга кўяди.

Иккинчи қийин масала, бу катта ёшдаги эгизакларни (18 ёш ва ундан катта) истаб топиш, уларни текширишга жалб қилиш масаласи эди. Уларни иккаласи ҳам тирик бўлиши керак эди, чунки таххил кўрсаткичларини уларда қиёслаш лозим эди. Агар эгизаклар топилса, бириси бир шаҳарда ёки туманда, иккинчиси бошқа ерда яшарди.

Уларни топганда, иккаласини бир жойда текшириш лозим эди, чунки уларни бирга расмини олиш, қон гурухларини, резус факторларини аниклаш, бармоқ изларини (дактилоскопия) ўрганиш, махсус тузилган анкета варакаларини тұлдириш, ЭКГ олиш ва х.к.лар зарур эди. Яна уларнинг хар биридан таҳлил учун энг катта шприца 20 мл қон олиш керак бўларди. Бунга айрим эгизаклар кўнмасди.

Ўртача бир пар эгизакни текширишга 3-4 кун вакт кетарди, яна транспорт масаласи ҳам муаммо эди.

Эл ардоклаган ёзувчимиз Тохир Малик: “Таъбир жоиз бўлса вакт намланган совунга ўхшайди, уни қўлда тутиб туриш жуда қийин, сиргалиб тушиб кетаверди. Ўтган вакт ортга қайтмайди. Отилган ўқ изига қайтмаганидек, умр ҳам изига қайтмайди “деган бўлса, Хасан Басрий ҳазратлари: “Эй одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. Сен учун куннинг кетиши умрнинг бир кисмини кетишида демакдир” деганлар.

Шу боис, у тунни кунга улаб ишлайди. Бир кўлида катта ЭКГ аппарати, бир кўлида генетик текширувга керак бўладиган асбоб-ускуналар тўла катта сумка билан автобусларда шаҳар ва туманларни кезиб, Фаргона водийси бўйича 146 пар эгизакни излаб топади ва уларни 112 парини тўлиқ текширувдан ўтказишга эришади. Текшириш натижалари билан танишган Москвадаги генетика институти олимлари унинг матонатига қойил қолишиб, унга тасанинолар айтганлар.

О.Салоҳиддинов 1975 йили номзодлик диссертациясини аспирантура муддатидан илгари (2,5 йилда) Москвадаги кардиология илмий-текшириш институтида муваффақиятли химоя қиласди. Диссертация натижалари бу институт олимлари орасида катта қизиқиш уйғотади. Шу вақтгача бизнинг институтимиздан бу улуг даргоҳда ҳеч ким диссертация химоя қилмаган экан. У бу институттага йўл очади.

О.Салоҳиддиновнинг докторлик диссертацияси мавзууси ҳам ўта мураккаб мавзуга яъни инсонларни тўсатдан ўлимга ёки ногиронликка олиб келувчи, ахоли ўртасида кенг тарқалган артериал гипертонияни (АГ) кишлоқда- согликни саклаш тизимини бирламчи бўгинлари хисобланмиш қишлоқ врачлик пункти (КВП) ва фельдшер акушерлик пунктлари (ФАП) да

барвакт аниклаш, даволаш ва олдини олиш масалаларига багишланган. Бу иш ҳам Собиқ Иттифоқ миқёсида қишлоқ ахолиси ўртасида кенг кўламда ўрганилмаган эди.

Чунки кўпчилик илмий ишни бажаришни осонроқ йўлларини излайди. Долзарб муаммо хисобланган АГни ҳам кўп бора бир ерга уюшган ахоли (завод, фабрика ва х.) ўртасида ўрганишган. Лекин, бу касалликни тарқоқ, шу билан бирга қишлоқ ахолиси ўртасида ўрганиш катта меҳнат ва куч талаб киларди. Шундай бўлсада, у шу қийин ишга қўл уриб, докторантурага кирди

У 1981 йилдан бошлиб тиним билмай ишлади, вилоятимизнинг икки туманида 40 мингдан зиёд қишлоқ аҳлини текширувдан ўтказди, 3 – йил давомида аниқланган беморларни даволаб, натижаларини ўрганди. Бу кўламдаги катта иш Собиқ Иттифоқ миқёсида биринчи бор бажарилаётганини хисобга олиб, унинг натижаларини ўрганиш учун Андиконга Москвадаги кардиология институтидан ҳамда Собиқ Иттифоқнинг Челябинск, Нальчик шаҳарларидағи институтлардан бир нечта катта олимлар ташриф буордилар. Улар қишлоқларда бўлишиб, ҚВП ва ФАП лардаги врач ва ҳамширалар билан ҳам сухбатлашиб, у бажарган ишларни обдон ўрганишди, унинг фаолиятини ижобий баҳолашди.

Натижада Андикон вилоятида ўтказилган бу ишлар асосида “Қишлоқ шароитида ахоли ўртасида АГ га қарши кураш дастурини ишлаб чиқдилар ва уни “Андикон дастури” деб атадилар.

Бу дастур Москвадаги кардиология илмий текшириш институтида китобча шаклида чоп этилди ва Собиқ Иттифоқнинг барча шаҳарларидағи кардиология илмий текшириш марказларига бу борадаги илмий ишларга услубий қўлланма сифатида тарқатилди.

Бундан ташқари, бу ердаги бажарилган ишларни кенг кўламда ўрганиш мақсадида 1981-1987 йиллар ичидаги З-марта артериал гипертонияга багишланган Собиқ Иттифоқ миқёсидаги катта анжуманлар Андикон шаҳрида ўтказилди. Бунда кўплаб кардиологлар иштирок этишди.

Булар О.Салоҳиддиновнинг, унинг устозининг катта ютуғи эди.

Юқоридаги илмий изланишлар натижасида у 1989 йили Москвада докторлик диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қилди.

Илмий асарлар хамма замонларда ёзилади, лекин улар орасида бевосита амалиётта тадбиқ этилганлари, кишиларни оғирини енгил қилганлари, очиғи кам учрайди.

О.Салоҳиддинов ўз илмий иши жараёнини вилоятимиз ҚВП шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимларига обдон ўргатди хамда бу ишлар бўйича битта монография ёзиб, уни кўп нусхада чоп этиб, Республикаиз вилоятларининг бирламчи соғлиқни саклаш тизими шифокорларига тарқатди. Мана неча йилдирки, улар у тавсия этган усуулларга кўра артериал гипертонияга дучор бўлган беморларни барвакт аниклаб, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келаяптилар. Шундай экан, амалиётта катта хисса қўшган О.Салоҳиддиновнинг бу докторлик диссертацияси унинг улкан максадларини кўзлаган ҳаётининг азиз бир бўлагидек элимизга хизмат қилмоқда.

Ҳалқимизда меҳнатга ўрганган одам саодатга эришади, деган ибора бор.

Маълумки, олим-изланишдаги одам: “Ўқиши ва изланишдан тўхтаган олим-кўлмакка айланади” дейишади. Ўз билим доирасини кенгайиши устида тинимсиз ишлаётган чин олимни мавжли дарёга қиёслашади. “Бешикдан то қабргача илм изла” деб бекорга айтишмайди-ку. Мен О.Салоҳиддиновни шу тоифадаги олим деб биламан.

У бир йил ичida яъни 2010 йили ички касалликлар пропедевтикаси фанидан кирилл алифбосида битта ўкув дарслиги, маънавиятга оид ҳар бири 80-120 варакдан иборат 5 та рисола, 7 та ўкув-услубий кўлланма ва 40 та дан зиёд илмий, маънавий рукнидаги мақола ва тезислар чоп этиди, битта номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчилик қилди. Натижада институтда ўкув йили ҳисобига кўра йилнинг энг фаол профессори номинацияси бўйича голиб бўлди ва тақдирланди.

У 2011 йилда 10 тадан ортиқ ўкув-услубий кўлланмалар, 15 тадан зиёд илмий макола ва тезислар чоп этиб, битта номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчилик қилган бўлса, 2012 йили ички касалликлар пропедевтикаси фани бўйича лотин алифбосида ўкув дарслиги, 3 ва 4 курслар учун маъruzалар

түплами , хар бири 70-150 варакдан иборат “маънавият” рукнида 5 та рисола, 8 та ўқув-услубий қўлланма,15 тадан зиёд илмий мақола ва тезислар чоп этди. Буларни санашгагина осон, уларни бажариш-чи?

Буюк алломалар Абу Бакр Ар-Розий, Абу Али Ибн Синолар: “Тиббиёт ва маънавият бир-бирига яқин, булардан бири танга даво бўлса, иккинчиси дилга даво” деб айтишган.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “ Юксак маънавият-енгилмас куч” деган рисоласида “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди, бу – шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг “ Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё најжот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат, масаласидир”, деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, хозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади”, деган эди.

Педагог – устоз ёшларга нафақат фан сирларини, балки одамийлик, юксак маънавият, мукаммал инсоний хислатларни ҳам ўргатиши зарур.

Шу боис, О.Салохиддинов бир неча йиллардан бўён “Маънавият” рукнида ҳам қалам тебратиб келади.

Унинг “Кўнгил табиблари”, “Фарзанд ва набираларимга айтганларим”, “Эл-юрт ардоклаган олим”, “Шифокор маънавияти”, “Устоз шифокорнинг ўгитлари”, “Тиббиёт деонтологияси”, “Тил қалб кўзгуси”, “Миллий удум ва қадриятларимиз”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Оила маънавияти”, “Ибратли ривоятлар”, “Донолар бисотидан”, “Ўғил фарзандлар учун”, “Қиз фарзанлар учун” каби рисолаларини кўпчилик ўқиган.

У бу рисолаларида миллий қадриятларимизни улуғлаш, ёшлар тарбиясида уларга ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, одамийлик, саҳоватпешалик, ташаббускорлик, ота-она ҳурмати каби фазилатларни сингдиришни асосий мезон қилиб олган.

Дунёда ўз ўкувчинини топган ва топмаган китоблар мавжуд. Шундай рисолаларга дуч келасанки, уларни илк саҳифаларидаёқ уларга боғланиб қоласан, бош кўтармай

ўкийсан, онг-шууринг тиниклашади, қалбинг яйрайди. У маънавият рукидаги рисола ва мақолаларни ҳам жўшиб, юракдан ёзади.

Унинг маънавият рукидаги рисолалари билан танишган вилоятимизнинг кўпгина мұтабар инсонлари, меҳнат фахрийлари, олимлар, талабалар уларга катта баҳо беришиб, оғзаки ёки телефон орқали ўз миннатдорчиликларини билдиришганларини бир неча бор гувоҳи бўлганиман.

Рисолаларни ўқиган инсонлар билан сұхбатда бириси мен О.Салоҳиддиновни “Эл-юрг ардоклаган олим”, “Кўнгил табиблари”, “Фарзанд ва набираларимга айтганларим” каби рисолаларини бир марта эмас, эктирос билан 2-3 марта ўқиб чиқдим деса, иккинчиси “Кўнгил табиблари”, “Фарзанд ва набираларимга айтганларим” деб номлаган рисолаларини ўқиганимдан сўнг бутун жамоамиз аъзоларини ҳам рисолалар мазмуни билан танишириб, ишхонамиз иш тартибиға ўзгаришлар киритдик. Ҳар хафта “ота-оналарни зиёрат килиш” кунини белгиладик дейди. Учинчиси, мен бу рисолалардаги мақолаларни ўқиганимдан сўнг, туни билан тўлганиб чиқдим, эрта туриб, узок вактдан бери хабар олмай кўйган холаларидан хабар олдим, уларни дуосини олиб келдим, ўзимни анча енгил хис қилдим”, деган гапларни эшигтанман.

Вилоятимиздаги айрим шифохона, колледж, лицей ҳамда институтимизнинг бир қатор кафедра ходимлари унинг бу рукидаги мақолаларидан “Маънавият” дарсларида унумли фойдаланаётганликларини айтишади.

Бундан ташкари, унинг «Маънавият» рукидаги бир неча рисоласи 2011 йилнинг октябр ойида Тошкент тиббиёт Академиясинининг малака ошириш курсида Хоразм, Самарканд, Қорақалпогистон, Бухоро, Тошкент тиббиёт институтларидан келган кафедра мудирлари, профессорлар ўртасида ҳам кенг презентациядан ўтди. Улар О.Салоҳиддиновдан шу китобларни нусхасидан беришини қаттиқ илтимос қилганлар ва ўз институтларининг кафедра ходимлари, талабалари ўртасида маънавият дарсларида фойдаланишларини айтганлар. Шундан буён, унинг бу рисолаларидан Тошкент тиббиёт Академиясига малака оширишга келган доцент, ассистентлар ҳам педагогика дарсларида унумли фойдаланишмоқдалар.

Менимча, ўзини англаган одам учун унинг “Маънавият” рукнидаги бу рисолалар бир олам мўъжиза ва ибратлардан иборат. Бу рисолаларни ўқиган ҳар бир инсон ана шу ибратлар огушига шўнгийди, инсон ҳаёти, умр мазмуни ҳақида ўйлади. Бу рисолалар баркамол авлод тарбиясида жуда-жуда муҳимdir.

Мен О.С.Салоҳиддиновга: “Маънавият” рукнида рисола ва мақолалар ёзиш жуда мураккаб жараён. Сиз шифокор олим бўлсангиз, бунга қандай эришасиз?” деган саволимга у: “Аждодларимиз маънавиятни инсон ҳаётининг асосий мазмуни деб билишган. Инсоннинг маънавий дунёси қандай эканлиги унинг нутки оркали яққол сезилиб туради. Ўз ҳалқига чексиз меҳр кўйган ҳар бир инсон сухбат чогида ҳар бир харф, сўзга эътибор беради. Ширин лутф ила сухбатдошининг хурматини жойига кўяди. Биласиз, шифокор учун ақл фаросат, шарқона майин мулозамат жуда-жуда зарур. Шифокор ахлининг бир чеккасини лирика ва назм, иккинчи четини мусика ва наср, марказий қисмини эса тибиёт эталлаган бўлса, ундан шифокор бемор билан дилдан сухбат кураолади, унинг кўнглига осон йўл топади, уни даволанишга бўлган умидини ўстиради, қискаси мулокот санъати ошади. Ундан шифокорнинг чехраси, боқиши, табассуми, сўзлар талаффузи беморни дардан халос қилишга ёрдам беради. Бунинг учун шифокорда **она тилимизга**, унинг бебаҳо дурданаларига меҳру-муҳаббати бекиёс, ихлоси баланд ва чексиз бўлиши керак. Ҳалқ оғзаки ижодиётини, мумтоз адабиётимизни, сўз санъатини муносиб қадрлайдиган шифокоргина ўз ҳалқининг азиз ва эъзозли ҳакими даражасига кўтарилиши мумкин. . Донолар: “Инсон илмли бўлиши учун ўқиши керак. Аммо билимли бўлиши учун уқмоқ лозим бўлади. Бир сўзни ўрганиш учун олти сония кифоя қиласи. Аммо сўзларни ўрни-ўрнига кўйиб сўзлашишга ўрганиш учун эса олтмиш йил хам камлик қиласи” дейдилар. Бу ҳақ гап.

Компьютер, интернет, телефон ва телевизорлар воситасида ихчамлик, тезкорлик каби имкониятлар шаклланиши шубҳасиз. Аммо уларга тикиштирилаётган айрим тасвирларнинг таъсири анча ташвишли, айримлари хатто қалбнинг қорайиб, қаттиглашиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Ҳадиси шарифда: “Банданинг қалби тўғри бўлмас экан, унинг иймони мукаммал бўлмайди. Тили тўғри бўлмай туриб, қалби хам тўғриланмайди”,

дэйилади. Энг яхши сахналаштирилган спектакл ёки суратга олинган фильм ҳам хеч қачон китоб ўрнини босаолмайди.

Маънавий баркамоллик, интеллектуал салоҳият, дунёкараш ва савиянинг юксалиши, бир сўз билан айтганда, комиллик пофонасига фақат ва фақат китоб оркалигина эришиш мумкин. Эзгулик офтоби бўлган бу хилкат неча – неча асрлар давомида аждодларимиз йўлини ёритиб, уларнинг маслак ва оламшумул эзгу максадларини амалга ошириб келган. Дунё тамаддунига бевосита хисса кўшган Абу Райхон Беруний, Фаробий, Ал Хоразмий, Ахмад Юғнакий, Ибн Сино, Имол Бухорий каби буюк алломаларимизнинг доимий ҳамроҳлари китоб бўлгани ва бу нажот шуъласи уларни маънан комилликка кўтаргани ҳам шубҳасиз ҳақиқатдир.

Китоб инсонга энг яқин ҳамроҳ, энг яқин сухбатдош, соглом тан учун содик маслаҳатчи. Бадий китоблар инсонга маънавий озуқа бериб, хис туйгуларни, турмуш машмашаларини ечишни, ёмондан яхшини, адолатдан адолатсизликни, оқдан қорани ажратишни англатса, меҳр кўйини, севиш, нафратланиш каби хислатлар орқали уни ҳаётга ўргатади.

Бундан ташқари, китоб инсонни эркин фикрлашга чорлайди, билими , дунё - қараши, тафаккури, нутқининг шаклланиши, қолаверса, адабий тилини меъёрлашига эътиборини кучайтириб беради.

Ўқиганим бор, оғир бир дардга чалинган бир бемор ҳаётдан умидини узиб турган пайтида унинг кўлига эл севган адаб Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик орасида” номли китоби тушиб қолибди ва уни қайта-қайта ўкиб чикибди. Бу асар унинг ҳаётта бўлган ишончи ва умидини орттирибди, хасталик билан курашишга куч багишлабди ва нихоят ундан хасталик чекинибди. Худди шундай воея ҳалқимиз эзозига сазовор бўлаётган шоира Марҳабо Каримовнинг бир шеъри туфайли ҳам юз берган. Бу каби мисолларни ҳаётдан яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу боис мен мутахассисликдан ташқари, бадий адабиётларни, ҳафталик газета ва журналларни ҳам кўп ўқийман.

Мен улардан олган эзгу хисларни, кўп йиллик иш ва ҳаёт тажрибаларидан олган сабокларимни, хulosаларимни бошқалар

билин ўртоқлашиш эҳтиёжидан уларни баҳоли кудрат когозга тушираман.

Мен профессионал ёзувчи деган номга **хеч қачон даъвогарлик қилмайман**, бу шунчаки адабиётта қизиқиши холос. Агар мен рисола ва мақолаларим оркали кимларгадир тўғри йўл кўрсатган, маънавиятини бойитган бўлсам, демак авлодлар олдидағи одамийлик бурчимни адо этаяпман, дея оламан” деб жавоб берди.

Шу ерда О.Салоҳиддинов айтиб берган бир воқеа эсимга тушди. Бир вақтлар (1960 йиллар) институтга киришда имтиҳонлардан бири иншо ёзиш бўлган экан. Уни ёзишга соат 8<sup>00</sup> дан 14<sup>00</sup> гача вақт ажратиларкан. Иншони ёзиб бўлгач, камчиликларини тўғрилаб, кейин оқка кўчириб бериларкан. Сўнг уни текширувчилар йигиб олиб, 3-4 кун текширганларидан сўнг, баҳолари эълон килинаркан.

У институтта кириш имтиҳонида (1959 йил) Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонидан иншо ёзибди. Уни соат 10<sup>00</sup> ларда оқка ҳам кўчириб бўлиб, текширувчиларга топширибди. Шунда филолог Ф.Исақов бошлигидаги З та текширувчилар: “Йигитча, нега шошиласиз, хали вақтингиз кўп, буни баҳоси сизнинг кейинги тақдирингизни ҳал қиласди”, дейишибди. Шунда у: “Мен тугатдим, бошқа ўзгартирмайман”, дебди. Иншони текширувчи домлалар **одатдан четга чикиб**, бу иншони шу зални ўзидаёқ текширишга қарор қилишибди. Имтиҳон хайъат аъзолари иншони текшириб чиқишиб, бир овоздан унга “аъло” баҳо кўйишибди ва устозга раҳмат айтишиб: “Сиз педагогика институтига кирсангиз бўларкан”, дейишибди. Чунки у иншони бошланишида шундай бир маъноли сўз тузибди, у нақ ярим варакни эгаллабди. Иншони текширувчилар бунга қойил қолишган экан. У шу сўзларни хозиргacha ёд биларкан. Демак, унда адабиётта қизиқиши мактаб чоғларидан бошланган экан.

Орадан 40 – йилча вақт ўтибди. О.Салоҳиддинов ва ундан иншо олган филолог Ф.Исақов профессор даражасига етишибди. Вилоятда ўтказилган бир анжуманда улар учрашиб қолибдилар. Шунда у ўша воқеани профессор Ф. Исақовга эслатишибди. Профессор Ф.Исақов жуда хурсанд бўлиб: “ Сиз ўша абитурентмисиз?, бу ходиса менинг узок йиллик иш

фаолиятимда факат бир марта бўлган халос. Биз иншо текширувчилар ўшанда коидадан четга чикиб, тўгри иш қилган, институтга бўлажак профессорни қабул қилган эканмизда”, деган экан.

О.Салохиддинов исми жисмига монанд “Одил” инсон. Доно халқимиз: “Инсоннинг исми жисмига мос, нияти эса ҳамиша ўзига ҳамроҳ бўлади” деб бежиз айтмаган эканлар. У ҳар бир муаммони ҳар қандай шаронтда ҳам мулоҳаза билан холисона адолатли ҳал этишга интилади. Буни жамоамиздагиларни ҳаммаси билишади.

Маълумки, дунёда хеч нарса ҳақиқатчалик машақкат билан эришилмайди. Чиндан ҳам ҳакни карор топтириш баъзан игна билан кудук қазишдек қийин. “Ҳақиқат машъали” кўпинча уни кўтариб кетаётган одамни қўлинни кўйдиради” деган экан бир даҳо.

О.Салохиддинов ҳеч қачон, қайси лавозимда ишламасин адолатсизликни кўриб, унга кўнишиб, муроса қилиб кета олмаган. У доимо адолатни юзага чикариш учун курашган, бунинг орқасидан баъзан ўзига “душман”лар ҳам орттириб олган. Улар вакти-вакти билан унга ўз қиликларини кўрсатиб туришган, лекин у доимо ўзини тик тутган, барibir муваффакиятларга эришган.

Хадиси шарифда : “Тангри кимники хуш кўрса, уларни ҳамма учун керакли қилиб қўяди” дейилади. Зоро, шифокор ана шундай инсонлар тоифасига киради. Шифокор бор экан, дард чекиниб, бемор согаяди. Инсоннинг кўрки ҳам, унга элнинг хурмати, эътибори ҳам аввало, ҳаёт мазмунига айланган меҳнат билан ўлчанади. Ён-атрофидагиларга самимий муносабат, доимо ўз ишига қатъий маъсулиятлилик хисси кишини ҳамиша ишончга сазовор этади.

О.Салохиддинов инсонлар дуосини олишдек шифокорлик касбида меҳнат килишни ҳам фаҳр, ҳам бурчга садоқат деб билади. Ундан шифо топган беморлар сони бисёр. Шу сабабли у қаерга борса, уни азиз кишиларидек қарши оладилар.

Уни тиниб-тинчимаслиги, багрикенлиги, софдиллиги, шижоати, улкан ижтимоий фаолияти, кенг дунёкараши, мақсадга интилевчанлиги, деонтология коидаларига содиклиги, юксак илмий фаолияти уни хеч қачон тарк этмаган.

Маълумки, ҳаётда ўзини, ўз рўшнолигини ўйлайдиган одамлар кўп. Улар дунёни ўткинчи, мол -давлатни субутсиз эканлигини билсаларда, у томон талпинаверадилар. Лекин шундай тоифа инсонлар борки, улар ўз баҳтини ўзгаларнинг баҳтида деб билади. Аллоҳ уларни шундай яратган, Элим деб, Ҳалқим деб, Ватаним деб ёниб яшайдилар. Зеро, ўзи хам ҳалқнинг бир заррасидир. Унда хам шахсий манфаатлар бўлиши табиий. Йўқ, не ажабким, бундай одамлар яратувчанлик, бунёдкорлик жараённида ўзларини бутунилай унугдилар, улар умум баҳти учун тугилган инсонлардир. Бу одамлар яхшилик қилишда событ қадамдирлар. Ҳаётлари енгиллашиб, ҳамма нарсалари сероб бўлиб кетса хам ховликмай, хаддиларидан ошиб, фиску-фасодларга берилиб кетмайдилар, улар мол-дунё, мақтов, узвонлар кетидан қувмайдилар. Улар учун инсонларни уларга дилдан, очиқ чехра билан “Салом” бериб ўтишлари катта унвон. Уларнинг уй эшигини качон бўлса хам торгинмай, bemalol taқillatib киришлари ва керакли маслаҳатлар олиб кетишлари, уларнинг беминнат берган ёрдамидан инсонларни завкланишлари, “раҳмат” сўзини айтишлари – унвон.

Улар таъмагир эмаслар, бирорлардан илтифот кутмайдилар. Мақсадлари инсонларга факат яхшилик улашиш. Улар умрларини маърифатга багишлайдилар, ҳаёт мазмуни – бу илм олиш, сўнг бошқаларга шу илмни улашиш деб билиб, ўрганувчилардан фахрланиб, уларга янада кўпроқ билим беришга шошиладилар. Мен О.Салоҳиддиновни шу инсонлар категорига кўшаман.

Хусайн Воиз Кошифий дейдики: “Гўзал феъл – атворнинг нишонаси ўн нарсадур: биринчи нишонаси-яхшилик, иккинчиси - инсоғли бўлиш, учинчиси-бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси-бирор кишида ножўя харакат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси-бир киши айбига икрор бўлиб, узр айтса, узрини қабул килиш, олтинчиси бошқалар учун машаккатни ўз устига олиш, еттинчиси-факатгина ўз манфаатини кўзламаслик, саккизинчиси-очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси-муҳтоҷларнинг хожатини чиқариш, ўнинчиси-мулойим ва тавозели бўлишдур. Мен О.Салоҳиддиновни фаолиятида шу фазилатларни кўраман.

Инсонларни: “Кандай устоз шогирдлари учун ибрат бўла олади?” деган саволига бир доно: “У шогирдларининг пок орзуларига унинг ўзидек ишонса, муваффакиятларига ҳасад қилмай, уларданда ортиқроқ қувонса, уларнинг ҳар бир ишига меҳрли ва эътиборли бўлса” деб жавоб берган экан.

Шу ўринда талабалар О.Салоҳиддиновни ўз қасбининг фидоиси, қаттиққўл, адолатли инсон, моҳир лектор дейишса, клиник ординатор, магистр, аспирантлар уни камтар, ғамхўр инсон деб аташади. Чунки улар муаммоларини уни олдига bemalol кириб айтиб, унинг beminnat маслаҳатларидан кўп наф кўрадилар.

У ҳамма вақт ўз фаолиятида энг аввало юксак талабчанлик, халоллик ва ташаббускорлик хислатларини ўзига мезон қиласди, шу йўлдан чалгимайди. Ундан таълим олаётган талабалар, институтни битириб кетган кўплаб шифокорлар ҳам орадан 30-40 йил ўтган бўлса ҳам (уни институтимизда 1968 йилдан бўён фаолият кўрсатишини айтиб ўтдим), унинг бу фазилатларини фаҳр билан таъкидлайдилар. Айрим хаваскор шоира талабалар унга атаб шеърлар ҳам битишган. Мана шулардан бир шингил:

*Мехрингиз доимо тўлиб тошади,  
Биз-ла шодлигингиз яна ошади.  
Бизга дилингизда ҳурмат ошади,  
Сизнинг ёнингизга ҳамма тошади,  
Сизга қанча таъзим қилсак, шунча оз  
Эй, азиз устоз.*

*Эрталаб турдимиз қалбларда қувонч,  
Сиз бизни кутасиз, кенг очиб кулоч.  
Сизга интиламиз, меҳрингизга оч,  
Ҳар сўзингиз дурдек бошимизга тојс,  
Сизга қанча таъзим қилсак, шунча оз.  
Эй азиз устоз.*

Айтишларича, ҳар бир инсоннинг танасида биологик қувват майдони бўларкан. Мазкур майдон инсоннинг ички дунёси, ниятлари, истаклари, самимиятлиги, саломатлиги даражаси, жисмоний ва ақлий қуввати, ички аъзо ва тизимлари фаолиятига кўра турлича бўларкан.

Олийжаноб, самимий, дили пок инсонларнинг аураси улкан ва ижобий қувватдан иборат бўлиб, ноёб хислатли инсонлар шу хусусиятга эга бўларканлар. Бундай инсонлар билан сухбат оромбахш тарзда ўтаркан. Аксинча, ёвуз ниятли, бадкирдор, нопок кимсаларнинг қувват майдони, салбий қувватлардан ташкил топар экан. Бундай инсонлар билан сухбатдан толикиш, тушкунликка тушиш, умидсизланиш кузатиларкан.

О.Салоҳиддиновда ижобий қувват майдони бўлиб, у билан ҳар гал сухбатлашганингизда, унинг шу майдонига тушиб қоласиз. Сизни кайфиятингиз кўтарилади, рухингиз тетиклашади, келажакка умид учкунлари ортади.

У табиатан жуда кўнгли очик, самимий инсон. У билан биринчи марта учрашган одам ҳам, уни анчадан бери биладигандек хис қиласи ўзини. Унинг бу фазилатини у билан гаплашган, ундан даво топган кўп bemорлар ҳам таъкидлашади.

Яхши инсонларга “чеҳрасидан нур ёғилади-я” дея баҳо берилиши бадний муболага бўлмай, айни ҳакикат, яъни тиббий-физиологик жараён экан. Чунки хушфеъл ва олийжаноб кишиларнинг юз-чеҳрасидан атрофга нур таралиши кучлирок экани ўта сезигир япон мосламалари тасдигидан ўтган.

Яратганинг ўзи бошқаларга яхшилик истовчиларнинг юзини ёруг, обрў-эътиборини баланд қилишга чевар экан. Шу боис бўлса керак, унга ва унинг турмуш ўртогига 2003 йили мусулмонликни бешинчи фарзи бўлмиш мукаддас Хаж амалларини бажариб келиш насиб этди.

О.Салоҳиддинов оилапарвар инсон. Аслида эр кишининг омади, ишининг бароридан келиши, кайфияти, хотиржамлиги оиласидаги муҳитга, айниқса умр йўлдошининг унга бўлган муносабатига кўпинча боғлиқ бўлади.

Унинг умр йўлдоши Муясархон хожи ая олий тоифали шифокор. У тиббиёт институтини битиргандан буён (1966 йил) вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида фаолият кўрсатади. Ҳаёти давомида оддий шифокор (1966-1969) бўлим бошлиги (1969-79) кафедра ассистенти (1979-1985 й), бош врач (1986-2000 й.) лавозимларида ишлади ва ҳозирда ҳам шу диспансерда бўлим бошлиги вазифасида хизмат қилмоқда. Жамоа аъзолари уни ширинсуҳанлиги, камтарлиги,

мехнатсеварлиги, инсонларга ғамхұрлығы каби фазилатлари учун катта құрмат қыладилар ва эъзозлайдилар.

Хожи ая турмушнинг аччик-чучугини у билан бирга күттарди. О.Салохиддинов аспирантура, докторантурада ўқиган чөгларидә унга маңнавий мадад берди, машаққатларни сабр билан енгди, унга бүлгән чинакам садоқатига феъли кенглиги ва жафокашлиги билан төгдек таянч бўлди. Улар биргаликда 3 та ўғил ва 2 та қизни ўстирдилар, 15 та набирали, 1та чеварали бўлдилар, уларга гўзал тарбия бердилар. Ҳозирда ўғил-қизларининг барчаси оиласи, фарзанди, турли жавҳаларда эл хизматидалар.

Айтишларича аёл оқилаю, эр доно бўлса, ҳеч қачон шундай оиласдан баҳт ва омад кетмас экан. Инсон эзгу ният қылса, кўнглида фақат яхшиликларни ўйласа, унинг оламда қыладиган ҳар бир иши ҳам ўзи тилаганидек бўлавераркан. Эзгулик эзгу ниятли кишиларгагина хос экан. Яхши ният эгаси шу ният мақсадлари баробарида нафини ҳам оларкан.

Донолар: “Одамнинг қиммати – элга қилган ҳимматида” дейишади. Шу боис, бугунги кунда – ҳожи ака ва ҳожи аялар ҳакли равиша баҳтли, табаррук инсонлар сифатида ҳамма учун азиз ва ардоқдалар.

Баҳт – туғилиб, ўсиб-улғайиб, умрни охирига етказиб яшашдангина эмас экан. Баҳт-кўпроқ кимлар билан замондош бўлиб, кимлар билан ҳамкорлик қилишда, кимлар билан ҳамнафас бўлиб, кимлар билан ҳаётда бир сафда қадам ташлашда, инсонларга эзгулик улашишда экан. Бирон ишни бажариш учун яхши мутахассис бўлишнинг ўзи етмас экан, балки аввалам бор яхши одам бўлиши керак экан.

Яхшиларнинг шундай гапи бор экан: “ Агар кишилар сенинг ортингдан сен ҳақингда яхши, илиқ гаплар гапирсалар, сенга ўша гапларнинг ҳар бир сўзларига ва ўша сўзларнинг ҳар бир ҳарфларигача савоблар ёзилгай”.

Шундай экан, О.Салохиддиновда ҳам савоблар бисёр.

*Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажисб саодат эрур қолса яхшилик бирла от.*

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари лутф этган бу сўзлар абадиятга дахлдордир. Абадият эса инсонлар

мехрида, меҳнатида, жамики ғаолиятида мужассам топган. Эзгуликка йўгрилган умр абадиятдир.

Ривоятда айтилишича, бир яхши инсонни подшоҳга кўп мактасибди. Подшоҳнинг юрагида у билан учрашиш истаги туғилиб, уни келтириш учун фармони олий берибди.

Бу инсон подшоҳ хузурига киргач, саломдан сўнг: “Подшоҳимиз мингта кирсинглар”, депти. Подшоҳ унга: “Жуда бехуда сўз айтдингиз. Бундай сўз сиздек фазилатли одамдан чиққани кизик туюлади”, дебди. У киши: “Одамнинг жони баданда шунча йил бокий бўлмайди. Буни ҳамма билади. Аммо яхши ном унга иккинчи умрдир. Менинг бу сўздан мақсадим подшоҳимнинг яхши номи минг йил бокий бўлиб, ҳаёт сахифасида колсин демак эди” деган экан.

Мен шогирд сифатида инсонларга доимо эзгулик улашувчи, камтар ва олийжаноб устозим О.Салоҳиддиновга мустаҳкам соглиқ, ижодий муваффакият, ёшларга хос шижаот, ғайрат, жасорат уни хеч қачон тарк этмаслигини, унинг номи ҳам минг йил бокий бўлиб, ҳаёт сахифасида қолишини Яратгандан тилаб қоламан.


**Н.С.Мамасолиев,**

**Андижон давлат тиббиёт институтининг ВМОФ**

**терапия кафедраси мудири,**

**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**МУАЛЛИФНИНГ ХАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИДАН ЛАВХАЛАР**



**Онам Роббикон ва отам Салоҳиддин**



Ақам Қобиљон

50



Рафиқам Муяссархон, набирам Маҳаммаджон ва муаллиф

51



Оила аъзоларимиз даврасида



Устозим профессор С.Ю. Турсунов, дўстимиз  
ва муаллиф (2011 й)

Т. Мамарасулов



Устозим профессор А.Н. Бритов ва  
профессор Н.С. Мамасолиев (2009)



Академик И.К. Чазов шогирдлари даврасида (2005 й)



Академик И.К Шхвацабая шогирдлари даврасида (1983 й)



Вилоят хокими А. Т. Усмоновнинг муаллифга фахрий ёрлик топшираётган пайти (2011й. ноябрь)



**Вилоят хокими А. Т. Усмоновнинг рафиқамга фахрий ёрлик  
төшираётган пайти (2011й. ноябрь)**



**Институтни битирганимизнинг 45 йиллик тантанасидан лавҳа (2010 йил)**



**Гуллар байрамида қасбдошлар даврасида (2011 й.)**



**Наврӯз тантанасида (2012й)**

62



Бемор күриги пайти (2012 й)

63



Рафиқам жамоа аъзолари билан (2010 й)



Пахта далаларида (1985 й)



Курдошлар даврасида (1995 й)



Иқтидорлы талабалар даврасида (2010 й)



Дала шийпонидаги сұхбат (1982 й)



Кисловодск оромгоҳида (1985 й)



Бухорода Нақшбанд Ҳазратларининг  
зиёратгоҳида (2008 й)



Республика миқёсидаги аңжуман пайтида (2012 й)



Тошкентда малака ошириш пайтида (2001 й)



Институти битирганимизнинг 45 йиллик таантасида (2010й)

**Чоп этилган ўқув адабиётлари**

**Илова-1**

1. Ички касалликлар пропедевтикаси.(кирилл ёзувида) 2010 йил
2. Ички касалликлар пропедевтикаси. (лотин ёзувида ) 2012 йил

**Монографиялар**

**Илова-2**

1. Артериал гипертония. 2001 йил.
2. Профилактик кардиология. 2003 йил.
3. Андижон профилактик кардиология илмий мактаби. 2007 йил. (I нашри)
4. Андижон профилактик кардиология илмий мактаби. 2008 йил. (II нашри)
5. Қишлоқ шароитида артериал гипертониянинг эпидемиологияси ва профилактикаси. 2008 йил.
6. Ўсмирларда сурункали ноинфекцион ички касалликларни эвалюцияси. 2008 йил.
7. Гелиометеостресс ва сайдик чиқариш йўлларининг ўткир ялигланиш касалликлари . 2009 йил.
8. Ўта континентал иқлим шароитида ўткир нефрологик холатлар.2009 йил.
9. Фертил ёшдаги аёлларда сурункали носпецифик касалликларни салбий омиллари ва профилактика йўллари. 2009 йил.

**Чоп этилган ўқув кўлланмалар**

**Илова-3**

1. Қишлоқ ахолиси ўртасида артериал гипертонияни профилактикаси. Андижон 1988 йил.
2. Артериал гипертонияга қарши кураш мезонлари ва уларни тиббий самарадорлиги. Андижон 1989 йил.  
1991 й
3. Артериал гипертониядаги беморларни диспансеризацияси. Андижон 1991 йил.
4. Амбулатория-поликлиника шароитларида артериал гипертонияни иккиласми профилактикасини ўтказиш усуллари. Андижон 1991 йил.

2001 й

5. Ички касаллар пропедевтикаси бўйича талабаларга фанни ўзлаштиришни дастлабки харакати карталари. Андижон 1994 йил.
6. Кишлок շароитида артериал гипертонияни барвакт аниклаш йўллари. Андижон 2001 йил.
7. Кишлок շароитида артериал гипертония профилактикаси самарадорлиги. Андижон 2001йил.

2002 й

8. Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш учун таянч билимлар (Бронхиал астмани аниклаш ва даволаш). Андижон 2002 йил.
9. Зотилжам ва унга тусдош кечувчи асосий касалларда мукобил тиббий хизмат кўрсатиш йўллари. Андижон 2002 йил.
10. Юрак ва қон томирларни текшириш усуллари. Андижон 2002 йил.
11. Ошқозон ичак фаолиятини текшириш усуллари. Андижон 2002 йил.
12. Жигар, ўт йўли фаолиятини текшириш йўллари. Андижон 2002 йил.

2003 й

13. ҚВП ва ШВПларда bemорларни қабул қилиш ва парваришилаш. Андижон 2003 йил.
14. Беморларни шахсий гигиенасини таъминлаш кўникмалари. Андижон 2003 йил.
15. Тана харорати ва уни ўлчаш. Андижон 2003 йил.
16. Оддий физиотерапевтик муолажаларни бажариш амалиётлари. Андижон 2003 йил.
17. Оддий тиббий муолажалар. Андижон 2003 йил.
18. Инъекция учун шприц ва игналарни тайёрлаш ва стириллаш. Андижон 2003 йил.
19. Инеъкция асоратлари ва уларда шошилинч ёрдам. Андижон 2003 йил.
20. Нафас олиш аъзолари касалларидаги bemорларни парваришилаш амалиёти. Андижон 2003 йил.
21. Юрак ва қон-томир касалларидаги bemорларни парваришилаш. Андижон 2003 йил.

22. Ошқозон,ичак хасталикларидағи беморларда асосий тиббий мұолажа ва күнімалар. Андіжон 2003 йил.
23. Сийдик ажратув аъзолари касалліктер билан хасталанған беморларни парваришилаш ва уларда ўтказиладиган реанимация мұолажалари. Андіжон 2003 йил.
- 2004 й
24. ҚВП ва ШВП шароитида ноинфекцион ички касалліктерни барвакт аниклаш ва олдини олиш дастури. Андіжон 2004 йил.
25. ҚВП ва ШВП шифокорлари учун “Артериал гипертония” бүйіча ўкув-услубий күлланма. Андіжон 2004 йил.
26. Пропедевтик гематология. Андіжон 2004 йил.
27. Ўпка касалліктерни ташхислаш усуллари. Андіжон 2004 йил.
28. Қон касалліктерни ташхислаш усуллари. Андіжон 2004 йил
29. Ошқозон,ичак касалліктер,гипо ва авитаминозларни ташхислаш. Андіжон 2004 йил
30. Пропедевтик нефрология. Андіжон 2004 йил.
31. Пропедевтик гастроэнтерология. Андіжон 2004 йил.
32. Пропедевтик пульмонология. Андіжон 2004 йил.
33. Пневмоник муаммолар. Андіжон 2004 йил.
34. Маънавий ва касбий етук шифокорлар тайёрлаш-давр талаби. Андіжон 2004 йил.
- 2005 й
35. Юракнинг ишемик касаллиги. Андіжон 2005 йил.
36. Комотоз холат. Андіжон 2005 йил.
37. Шишларни қиёсий ташхиси ва уларни даволаш. Андіжон 2005 йил.
38. Ички касалліктерни рационал даволаш усули. Андіжон 2005 йил.
39. Тизимли васскулитлар. Андіжон 2005 йил.
40. Геморрагик синдромлар. Андіжон 2005 йил.
41. Сурункали панкреатитлар. Андіжон 2005 йил.
42. Бод касаллиги. Андіжон 2005 йил.
43. Артериал гипертония. Андіжон 2005 йил.
44. Ўпка абцесси. Андіжон 2005 йил.
45. Бронхиал астма. Андіжон 2005 йил.

46. Юрак мушакларининг ноишемик касалликлари. Андижон 2005 йил.
47. Нафас йўлларининг сурункали яллигланиши. Андижон 2005 йил.
48. Тана хароратини физиологик ва патологик ўзгаришлари. Андижон 2005 йил.
49. Превентив дастурларни тузиш ва жорий этиш. Андижон 2005 йил.
50. Амалий тиббиётнинг биринчи босқичида беморларни умумий парвариш қилиш асослари. Андижон 2005 йил.
51. Номедикаментоз клиник амалиёт. Андижон 2005 йил.
52. Пропедевтик пульмонология ва ангиологиядан ихчамлаштирилган қўлланма. Андижон 2005 йил.
53. Ўткирлашган инфекцион эндокардит. Андижон 2005 йил.
54. Бронхиал астманинг эпидемиологияси. Андижон 2005 йил.  
2005 й
55. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(нефрология) Андижон 2006 йил.
56. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(гематология) Андижон 2006 йил.
57. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(клиник текширувлар учун) Андижон 2006 йил.
58. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(кардиология) Андижон 2006 йил.
59. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар. (пульмонология) Андижон 2006 йил.
60. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(профилактик тиббиёт бўйича) Андижон 2006 йил.
61. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(ревматик касалликлар бўйича) Андижон 2006 йил.
62. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(терапиядаги шошилинч тиббий холатлар бўйича) Андижон 2006 йил.
63. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар. (гастроэнтерология) Андижон 2006 йил.
64. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(нефрология-лотинча) Андижон 2006 йил.
65. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(экстрагенитал касалликлар бўйича) Андижон 2006 йил.

66. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(гематология бўйича-лотинча) Андижон 2006 йил.

67. Касбий малакаларни баҳолаш учун саволлар.(профилактик тиббиёт бўйича-лотинча) Андижон 2006 йил.

68. Сурункали бронхитлар. Андижон 2006 йил.

69. Ўзбекистон шароитида ички касалликларнинг салбий омиллари. Андижон 2006 йил.

70. Ўтқир нефрологик касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси бўйича янги маълумотлар. Андижон 2006 йил.

2007 й

71. Пропедевтик ва клиник гематологиядан таянч билимлар.(лотин тилида) Андижон 2007 йил.

72. Талоқ ва жигар касалликларини аниглаш ва даволаш усуллари. (лотин тилида) Андижон 2007 йил.

73. Диагностикага оид таянч билимлар ҳакида умумий маълумотлар. (лотин тилида) Андижон 2007 йил.

74. Ревматология ва аллергология бўйича таянч билимлар.(лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

75. Диагностика асослари ва улардан фойдаланиш қоидалари. (лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

76. Клиник пульмонология бўйича таянч билимлар. (лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

77. Эндокринология бўйича таянч билимлар. (лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

78. Пульмонологияни пропедевтик илдизлари. (лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

79. Пропедевтик ва клиник гематологиядан таянч билимлар.(лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

80. Пропедевтик гастроэнтерология ва гепатология. .(лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

81. Пропедевтик гастроэнтерологиянинг замонавий йўналишлари .(лотин алифбосида) Андижон 2007 йил.

82. Талоқ ва жигар касалликларини аниглаш ва даволаш усуллари (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.

83. Клиник кардиологиядан таянч билимлар. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.

84. Пульмонологияни пропедевтик илдизлари. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
85. Диагностикага оид таянч билимлар хакида умумий маълумотлар. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
86. Диагностика асослари ва улардан фойдаланиш. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
87. Эндокринология бўйича таянч билимлар. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
88. Пропедевтик гастроэнтерологиянинг замонавий йўналишлари.( кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
89. Кардиологияни пропедевтик илдизлари. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
90. Клиник пулмонология бўйича таянч билимлар. (кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
91. Пропедевтик ва клиник нефрология асослари(кирилл ёзувида) Андижон 2007 йил.
92. Ревматология ва аллергология бўйича таянч билимлар. (кирилл ёзувида). Андижон 2007 йил.
93. Антитроботик терапия. Андижон 2007 йил.
94. Миокард инфаркти касаллигидаги беморларни диагностикаси ва давоси.(I қисм) Андижон 2007 йил.
95. Миокард инфаркти касаллигининг ўткир боскичида шошилинч чоралар.(II қисм) Андижон 2007 йил.
96. Миокард инфарктини ўтказгандан сўнг ги хаёт.(III қисм) Андижон 2007 йил.
97. Миокард инфарктини диагностикаси ва реабилитациясининг замонавий йўналишлари. Андижон 2007 йил.
98. Беморларни ўрганиш режаси (бемор тарихи). Андижон 2007 йил.

2008 й

99. Беморларни умумий кўрикдан ўтказиш. Андижон 2008 йил.
- 100.Кўкрак қафасини кўрикдан ўтказиш ва пальпация. Андижон 2008 йил.
- 101.Перкуссия бўйича умумий маълумотлаор ва унинг техникаси бўйича зарурӣ маълумотлар. Андижон 2008 йил.
- 102.Юрак касаллиги билан оғриган bemorларни текшириш усувлари. Андижон 2008 йил.

- 103.Юракнинг меёрий ва патологик тонлари хакида. Андижон 2008 йил.
- 104.Юракнинг органик ва функционал шовкинлари. Андижон 2008 йил.
- 105.Юрак касаллигидаги беморларни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш усууллари. Андижон 2008 йил.
- 106.Автоматик қўзғалишлар функцияларини бузилишлари. Андижон 2008 йил.
- 107.Юрак қамаллари Андижон 2008 йил..
- 108.Юракнинг митрал нуксонлари. Андижон 2008 йил.
- 109.Қорин бўшлиги аъзоларини текшириш бўйича мустакил машгулотлар. Андижон 2008 йил.
- 110.Ошқозон-ичак касалликларида ўтказиладиган лаборатор тахлилларнинг моҳияти. Андижон 2008 йил.
- 111.Ошқозон-ичак касалликларидағи беморларни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш. Андижон 2008 йил.
- 112.Гематология бўйича лаборатор тахлилларнинг моҳияти. Андижон 2008 йил.
- 113.Юракнинг ишемик касалликлари ва унга карши кураш йўллари. Андижон 2008 йил.
- 114.Артериал гипертония касаллигини олдини олиш бўйича эслатма-карточка. Андижон 2008 йил.
- 2009 й
- 115.Шифобаҳш мевалар,полиз ва сабзавот маҳсулотлари. Андижон 2009 йил.
- 116.Бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши. Андижон 2009 й.
- 117.Хомиладорлик ва тұғрукка турли ички касалликларга монеликлар. Андижон 2009 й.
- 118.Кардиология амалиётида шошилинч холатларда тез тиббий ёрдамни ташкил этиш. Андижон 2009 й.
- 119.Юракнинг сурункали ревматик касаллиги: диагностикаси, ташхислаш, даволаш. Андижон 2009 й.
- 120.Ферротерапия ва ферропрофилактикани такомиллаштириш. Андижон 2009 й.
- 121.Ревматизм билан оғриган болалар учун даволаш риозати. Андижон 2009 й.

122.Миокард инфаркти касаллигига замонавий ташхислаш ва даволаш. Андижон 2009й.

123.Ўткир ревматик иситмани диагностикаси ва ташхислаш. Андижон 2009й.

124.Хомиладорлик ва тугруқда турли ички касалликларга монеликлар (лотинча). Андижон 2009й.

125.Артериал гипертонияни янги диагностик ва даволаш усуулари. Андижон 2009й.

126.Юракнинг митрал нуксонлари. Андижон 2009й.

127.Ички касалликлар клиникасида клиник, лаборатор ва инструментал текширишлар талкини. Андижон 2009й.

128.Қандли диабет касаллигига интенсив даволаш. Андижон 2009й.

129.Амалиётда шошилинч холатларда тез ёрдамни ташкил килиш. Андижон 2009й.

130.Бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши (лотинча). Андижон 2009й.

131.Коматоз холатларда шошилинч ёрдамни тамоиллари. Андижон 2009й.

2010 й.

132.Артериал гипертония давосидаги долзарб муаммолар. Андижон 2010й

133.Госпитал инфекцияларда антибиотикотерапияни мукобиллаштириш йўллари. Андижон 2010й

134.Тиббиётнинг бирламчи бўғинларида бета-блокатор ва замонавий кардиологик амалиёт. Андижон 2010й

135.Репродуктив саломатликни мустахкамлаш ва баркамол авлодни барпо этиш ишларини такомиллаштиришда янги диагностик ва фармакотерапевтик технологиялар. Андижон 2010й

136.Миокард инфарктининг иккиласми профилактикасини такомиллаштиришга оид тавсиялар. Андижон 2010й

137.Саломатлик кундалиги (ўзбекча). Андижон 2010й

138.Саломатлик кундалиги (русча). Андижон 2010й

139. Саломатлик кундалиги (лотинча). Андижон 2010й

140.Ички касалликлар пропедевтикаси фанидан маърузалар тўплами. Андижон 2010й

141.Бош оғригини даволаш (ўзбекча). Андижон 2010й

- 142.Умумий амалиёт шифокори шароитида остеоартроз ва остеопорозни баъзи бир омиллари. Андижон 2010й
- 143.Ўзини-ўзи даволашда замонавий мегаполис урф-одатлар. Андижон 2010й
- 144.Кардеологиада тиотриазолин. Андижон 2010й
- 145.Бош оғригини даволаш (лотинча). Андижон 2010й
- 146.Клиник амалиётда амоксициллинни янги имкониятлари. Андижон 2010й
- 147.Остеопороз ва остеоартрозни замонавий полиморфиллиги. Андижон 2010й
- 148.Умумий амалиёт шифокори шароитида саратонни фармакотерапиясини самарасини яхшилашда амалиётдаги аспектлар. Андижон 2010й
- 149.Амалиёт аспектлари. Андижон 2010й
- 150.Умумий амалиёт шифокори шароитида сурункали оғрик муаммоси ва унинг хал килиш йўллари. Андижон 2010й  
2012 й.
- 151.3-курс талабалари учун ички касалликлар пропедевтикаси фанидан маъruzалар тўплами (II-нашри) 2012й
152. 4-курс талабалари учун факультатив терапиядан маъruzалар тўплами 2012й
153. Ички касалликлар пропедевтикаси фанидан амалий машғулотларини интеграл боғланиши 2012й
154. Ички касалликлар пропедевтикаси фанидан маъruzаларни интеграл боғланиши 2012й
155. Факультатив терапия фанидан амалий машғулотларни интеграл боғланиши 2012й
156. Факультатив терапия фанидан маъruzаларни интеграл боғланиши 2012й
157. Госпитал терапия фанидан амалий машғулотларни интеграл боғланиши 2012й

**Чоп этилган рационализаторлик таклифлари Илова-4**

1. Нейро циркулятор дистонияда термометрияни қўллаш.
2. Тиббиётнинг бирламчи бўғинларида артериал гипертонияни барваҳт аниқлаш йўллари.

3. Кишлөк шароитида артериал гипертонияни аниклашни замонавий усуллари.
4. Профилактик текширишларда аникланган артериал гипертониядаги шахсларни даволаш.
5. Кишлөк ахолиси ўртасида артериал гипертониянинг “охирги нұқталари”ни регистри.
6. Артериал гипертониянинг “охирги нұқталари”ни бошқа салбай омиллар билан алоқадорлиғи.
7. Юрек етишмовчилигининг оғир турларыда диуретик терапияни күллаш усуллари.

**Чоп этилган илмий макола ва тезислар Илова-5  
1970 йил**

1. Бўқокли беморларда миокарднинг қисқариш фаолияти. АДТИнинг 15-йиллигига бағишлиланган анжуман материалларида. Андижон 1970й, 194-195 бетлар

1974 йил

2. Эгизакларда кондаги гепарин ва фибринолитик фаоллик. Ўзбекистон тиббий институтлари марказий илмий текшириш лабараторияларидағи илмий ишлар түпламида. Самарқанд, 1974й Т-2 91-бет.
3. Эгизакларда ёғларнинг айрим кўрсаткичларини ёшга қараб ўзгариши. Ўзбекистон тиббий институтлари марказий илмий текшириш лабараторияларидағи илмий ишлар түпламида. Самарқанд, 1974й Т-2 92-бет.

1975 йил

